

ОДАМЛАР ЕНГИЛ САНАЙДИГАН ҲАРОМ АМАЛЛАР

Шайх Муҳаммад Солиҳ Мунажжид



Китоб:	Одамлар енгил санайдиган ҳаром амаллар
Муаллиф:	Шайх Муҳаммад Солиҳ Мунажжид
Таржимон:	Камолиддин Иноятуллоҳ (Шоший)
Таҳрир ҳайъати:	Исмоил Яъқуб, Саидахмад Нуриддин
Ношир:	«Ихлос»
Саҳифаловчи:	Саид Аҳмад
Саҳифа сони:	152 бет
Нашр:	Биринчи
«Ихлос»:	15
Тираж:	1000 дона
Тарих:	1443 ҳ. — 2022 м.
E-mail:	info@ixlos.org
Web саҳифа:	http://ixlos.org/
ISBN	978-605-74869-8-1
Baskı:	Pelikan Basım ve Matbaa Ltd. Şti. Kayabaşı Mah. Ulubatlı Hasan Cad. No:2H, İç Kapı No: 19 Başakşehir / İSTANBUL Sertifika No: 40619

Ушбу китобда Қуръон ва саҳиҳ суннатда ҳаромлиги баён қилинган бир қанча гуноҳлар санаб ўтилган.

ТАРЖИМОНДАН

Замони саодатдан узоқлашиб, охират кунига яқинлашиб борар экан, инсоният дунёда бахтли ҳаёт, охиратда эса нажот гарови бўлган Ислом дини ва унинг кўрсатмаларидан ғофил бўлиб бормоқда. “Нима ҳалол, нима ҳаром, қайси ишни қилсам савобга қоламан, қайси иш билан гуноҳга ботаман”, деб, қадамини ўйлаб босадиганлар камайишга тушди. Кофирларни қўйинг, мусулмонликни даъво қиладиганлар орасига ширк, нифоқ, ҳаром оралади. Одамлар бунга беэтибор, беписанд, енгил қарайдиган бўлиб қолди. Ҳолбуки, ҳаром ишларни қилиш кишини азобга лойиқ қилиб қўяди. Аллоҳ кечирмаса дўзахга гирифтор қиладди. Қай биримиз азобга чидай оламиз? Ким дўзахга тушишни хоҳлайди? Табиийки, ҳеч биримиз буни истамаймиз. Шундай экан, ҳаром ишларга бепарво бўлмаслик, улардан узоқ бўлиш, ҳаромдан ҳазар қилиш керак.

Қўлингиздаги ушбу мўъжаз китоб Шайх Муҳаммад Солиҳ Мунажжид қаламига мансуб бўлиб, унда кўпчилик енгил санайдиган, аслида ҳаром бўлган бир қанча ишлар келтирилган.

Халқимизга манфаатли бўлар деган умидда китобни ўзбек тилига таржима қилиб, сиз азиз ўқувчиларга тақдим қиляпмиз. Шояд, китобда келтирилган ҳаром ишлардан халқимиз бохабар бўлса ва бу ишлардан сақланиб,

дунё-ю охират азоб-укубатларидан нажот топса. Аллоҳ таоло барчамизга ҳаромдан ҳазар қиладиган, ҳалол-пок ҳаёт кечирадиган чин мусулмон бўлишни насиб этсин. Аллоҳ таолога ҳамду сано, Пайғамбаримизга салавот ва саломлар бўлсин.

Камолиддин Иноятуллоҳ
2021 йил, Истанбул

IXLOS
Nashriyoti

МУҚАДДИМА

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз, нафсимиз шумлигидан ва амалларимиз ёмонлигидан Унинг ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кишини адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Ягона ва шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик берамиз.

Дарҳақиқат, Аллоҳ азза ва жалла баъзи амалларни фарз қилдики, уларни бажармаслик жоиз эмас. Муайян чегаралар қўйдики, уларни ҳатлаб ўтиш мумкин эмас. Баъзи нарсаларни ҳаром қилдики, уларга қўл уриш тақиқланади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Аллоҳ Китобида нимани ҳалол қилган бўлса, ўша ҳалол, нимани ҳаром қилган бўлса, ўша ҳаром, нима ҳақида сукут қилган бўлса, у илтифотдир. Аллоҳнинг илтифотини қабул қилинглар, чунки Аллоҳ унутувчи эмас»*. Шундан сўнг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Парвардигорингиз унутувчи эмас»** (Марям, 64), оятини ўқидилар¹.

¹ Ҳоким ривояти, 2/375. Албоний «Ғоят ал-маром»да (14-бет) «ҳасан» деган.

Ҳаром қилинган иш ва нарсалар Аллоҳнинг чегараларидир: **«Ким Аллоҳнинг ҳукмларига тажовуз қилса, у ўзига зулм қилибди»** (Талок, 1).

Аллоҳнинг чегараларини бузиб ўтган ҳамда ҳаромдан тийилмаганларга Аллоҳ азза ва жалла таҳдид қилиб бундай деди: **«Ким Аллоҳнинг ҳукмларини инкор қилиш, Аллоҳ бандаларига жорий қилган шариатни ўзгартириш ёки уларга амал қилишни тўхтатиш билан тажовуз қилиб, Аллоҳ ва Расулига осий бўлса, Аллоҳ уни дўзахга мангу қоладиган ҳолда киритади ва унга хорловчи азоб бордир»** (Нисо, 14).

Ҳаромдан сақланиш фарздир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: *«Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан албатта сақланинглар ва нимага буюрган бўлсам, уни қодир бўлганингизча қилинглар»*².

Ҳавоий нафсига эргашган баъзи заиф ва нодон кимсалар ҳаром нарсалар ҳақида гап кетса, аччиғи чиқиб, норози ҳолда: «Сизларга қолса ҳамма нарса ҳаром. Дин энгил бўлса! Озгина эркин қўйиш керак! Ҳаётимизни зерикарли қилиб юбординглар-ку! Аллоҳ кечирувчи ва раҳмли», дейдилар.

Биз уларга айтамиз: Аллоҳ таоло хоҳлаганини ҳукм қилади. Унинг ҳукмини таъқиб қилувчи йўқ. Аллоҳ ҳикмат соҳиби, ҳар нарсадан огоҳ Зот. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани ҳалол, хоҳлаганини ҳаром қилади. Бизнинг бандалигимиз тақозо қилган иш Аллоҳ таолонинг ҳукмига рози бўлиб, сўзсиз бўйсунушдир.

Аллоҳ таолонинг ҳукмлари Унинг илми, ҳикмати ва адолатидан келиб чиқиб содир бўлган. Бу ҳукмлар беҳуда, ўйин ва ҳазил ҳукмлар эмас. Аллоҳ таоло деди: **«Раб-**

² Муслим ривояти, 130-ҳадис. Муҳаққиқ: Муҳаммад Фуод Абдулбоқий.

бингизнинг сўзи — яъни Қуръон — хабарлари ва сўзларининг ростлиги ҳамда ҳукмларининг адолатлилиги жиҳатидан комил бўлди. Ҳеч ким Аллоҳнинг комил сўзларини ўзгартиришга қодир эмас. Аллоҳ таоло бандаларининг сўзларини эшитиб туради, уларнинг ошқору махфий ишларини яхши билади» (Анъом, 115).

Аллоҳ таоло ҳалол ва ҳаром бобидаги таянч қоидани бизларга баён қилиб бундай деди: «...уларга пок нарсаларни ҳалол қилади ва барча нопок нарсаларни ҳаром қилади» (Аъроф, 157). Демак, пок нарсалар ҳалол, нопок нарсалар ҳаром экан.

Ҳалол ёки ҳаром қилиш ёлғиз Аллоҳнинг ҳаққидир. Ким бу ҳақни ўзи ёки бошқа кимса учун даъво қилса, Исломдан чиқиб, кофир бўлади: «Балки Аллоҳга ширк келтираётган ўша мушрикларнинг ширк ва заллат каби Аллоҳ изн бермаган нарсаларни уларга ўйлаб топиб бераётган шериклари бордир?!» (Шўро, 21).

Китоб ва суннатни яхши тушунган шариат олимларидан бошқа бирон кимсанинг ҳалол ва ҳаром масаласида гапириши жоиз эмас. «Бу ҳалол, бу ҳаром» деб, илмсиз ҳолда гапирувчилар учун қаттиқ таҳдидлар келган. Аллоҳ таоло айтади: «Эй мушриклар, Аллоҳ номидан уйдирма тўқиш учун тилингизга келган ёлғонни айтиб, Аллоҳ ҳаром қилган нарсани «бу ҳалол» деб, Аллоҳ ҳалол қилган нарсани «бу ҳаром» деб айтаверманг. Албатта, Аллоҳ номидан уйдирма тўқийдиган кимсалар ҳеч нажот топмаслар» (Наҳл, 116).

Зеро, қатъий ҳаром қилинган нарсалар Қуръон ва суннатда зикр этилган: «Эй Пайғамбар, уларга айтинг: «Келинглари, мен Раббингиз сизга ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай: ибодатда маҳлуқотларидан бирор нарсани Унга шерик қилманг. Ота-онангизга ях-

шилиқ қилинг. Фарзандларингизни камбағалликдан кўрқиб ўлдирманг...» (Анъом, 151).

Шунингдек, ҳадисларда ҳам ҳаром нарсалар зикр қилинган. Жумладан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дейдилар: «Аллоҳ таоло маст қилувчи ичимлик, ўлакса, тўнғиз ва бутлар савдосини ҳаром қилди»³.

Яна айтадилар: «Аллоҳ бирор нарсани ҳаром қилса, унинг пулини ҳам ҳаром қилади»⁴.

Баъзан Қуръонда муайян турга оид ҳаром қилинган нарсалар зикр қилинади. Масалан, унда ҳаром таомлар ҳақида шундай дейилади: «Аллоҳ сизларга ўлимтикни — сўйилмасдан ўлиб қолган ҳайвонни ҳаром қилди. Яна У сизларга оқиб чиққан қонни, тўнғиз гўштини, сўйиш пайтида Аллоҳдан бошқанинг исми айтилган ҳайвонни ва бўғилиб ўлган, таёқ ёки тош каби нарсалар билан уриб ўлдирилган, баланд жойдан қулаб ёки қудуққа тушиб (кетиб) ўлган ҳайвонни ва бошқа бир ҳайвон сузиб ўлдирган ҳайвонни ҳаром қилди» (Моида, 3).

Қуръонда никоҳланиш ҳаром қилинган маҳрам аёллар ҳақида эса бундай дейилади: «Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмикдош опа-сингилларингиз, қайноналарингиз — мана шу санаб ўтилган аёлларга уйланиш ҳаром қилинди» (Нисо, 23).

Аллоҳ таоло ҳаром қилинган касб ва даромад ҳақида айтади: «Аллоҳ олди-сотдини ҳалол, рибо-судхўрликни эса ҳаром қилди» (Бақара, 275).

³ Абу Довуд ривояти, 3486. Албоний, Саҳиҳи Абу Довуд, (977).

⁴ Дорақутний ривояти, 3/7. Саҳиҳ ҳадис.

Аллоҳ таоло бандаларига бўлган марҳамати туфайли сон-саноқсиз ва анвойи ноз-неъматларни уларга ҳалол қилиб берди. Ҳалол нарсалар беҳисоб ва мўл-кўл бўлганидан бизга уларни муфассал баён қилмади. Балки билишимиз ва сақланишимиз учун саноқли бўлган ҳаром нарсаларнигина муфассал баён қилди: **«Ахир Аллоҳ таоло сизлар учун ҳаром қилган нарсаларнинг барчасини баён қилиб қўйган, фақат қаттиқ очлик пайтида, зарурат тақозо қилган ҳолатда сизлар учун ўлимтик каби ҳаром қилинган нарсалардан ейишга рухсат этилади»** (Анъом, 119).

Модомики, пок бўлар экан, ҳалол нарсаларни умумий суратда мубоҳ қилди: **«Эй одамлар, Аллоҳнинг сизлар учун ерда ҳалол қилиб қўйган ризқидан енглар. Сизлар ҳалол ва ҳаром қилишда, бидъат ва гуноҳда шайтоннинг йўллариغا эргашманг. Зотан, у сизга адовати очиқ-ойдин бўлган душмандир»** (Бақара, 168).

Бирон нарсанинг ҳаром эканига далил йўқ экан, унинг аслида пок ва ҳалол саналиши Аллоҳнинг раҳмати, карами ва бандаларга кенгчилигидир. Бу неъмат учун Аллоҳга ҳамду сано айтиб, тоат-ибодат ила шукроналар қилиш бизларга вожибдир.

Баъзи одамларга ҳаром нарсалар саналиб, муфассал баён қилинса, шариат аҳкомларидан юраклари сиқилиб қолади. Бу уларнинг иймонлари заифлиги ва шариатни билмасликлари натижасидир. Улар диннинг осон эканига қаноат ҳосил қилишлари учун ҳалол нарсаларнинг ҳамма тури санаб чиқишлишини хоҳлайдиларми?! Ёки шариат уларнинг ҳаётларини оғир қилмаётганига қалблари таскин топиши учун пок нарсаларнинг ҳаммаси бирма-бир ҳисоблаб берилишини истайдиларми?!

Шариатга мувофиқ сўйилган туя, сигир, қўй, қуён, кийик, эчки, товуқ, каптар, ўрдак, ғоз ва туяқуш гўшти,

шунингдек, чигиртка ва балиқнинг ўлимтиги ҳам ҳалол. Қўкатлар, полиз экинлари, мева-чевалар, дон-дунлар ва бошқа фойдали маҳсулотлар ҳалол. Сув, сут, асал, ёғ ва сирка ҳалол. Туз, қалампир ва зираворлар ҳалол. Ёғоч, темир, қум, тош, елим, шиша ва резиналарни ишлатиш ҳалол. От, туя, машина, поезд, кема ва самолётларга миниш ҳалол. Кондиционер, совиткич, кир ювиш машинаси, хамир қорадиган, гўшт майдалайдиган ускуналар, жувоз, тегирмон, тиббиёт ускуналари, муҳандислик, фалакиёт ва меъморлик асбоб-ускуналари, расадхона, сув, нефть ва газ каби ерости бойликларини қазиб чиқариш, сувларни филтрлаш ва уларни ошиқча туз ва минераллардан тозалаш, босмахона ва электрон ҳисоблаш жиҳозлари ҳалол. Пахта, зиғир толаси ва жундан тўқилган газмоллар, духоба, пахмоқ, ишлатиш жоиз бўлган терилар, нейлон ва синтетик толалар ҳалол. Никоҳ, савдо-сотик, кафолат, ҳавола (яъни қарзнинг бир зиммадан бошқа зиммага ўтиши), ижара, касб-ҳунарлар: дурадгорлик, темирчилик, устачилик ва чўпонлик ҳалол. Кўриб турганингиздек, ҳалол нарсаларни санаб адоғига етиб бўлмайди.

Аммо айрим кимсалар «дин енгилдир» дея, ҳақ сўз-ни ботил мақсадда ишлатмоқчи бўладилар. Динимиздаги енгиллик тушунчаси одамларнинг ҳавойи-нафси ва қарашларига кўра эмас, балки шариат кўрсатмаларига биноан белгиланади. Дин енгилдир, деган гапни ушлаб олиб, ҳаромга эътибор бермаслик билан шариат рухсат берган енгилликлардан фойдаланиш ўртасида фарқ бор. Зеро, сафарда намозни қаср қилиб ўқиш ва жамлаш, рўза тутмаслик ёки муқим одам бир кун, мусофир эса уч кун маҳсига масҳ тортиши, сув топилмаган ёки уни ишлатиш имконсиз бўлганида таяммум қилиш, касаллик ёки ёмғир ёққан пайтда намозни жамлаш, уйланмоқчи бўлган аёлга қарашнинг жоизлиги, қасамини бузган киши каффорати-

га қул озод қилиш, мискинларга таом едириш ёки уларга кийим кийдиришдан бирини ихтиёр этиши, мажбур қолган ҳолатда ўлакса ейиш ва ундан бошқа шариат рухсат берган ишлар динимиздаги енгилликлар ҳисобланади.

Шунингдек, мусулмонлар ҳар қандай ҳаром қилинган иш ёки нарсаларда Аллоҳнинг бир қанча ҳикматлари бор эканини билишлари лозим. Жумладан, ҳаром нарсалар орқали Аллоҳ таоло бандаларни синайди, уларнинг қандай амал қилишларига қарайди. Жаннат аҳлининг дўзах аҳлидан ажралиш жойи ҳам шу ерда: дўзах аҳли дўзахга элтувчи шаҳватларга шўнғиб кетадилар, жаннат аҳли эса жаннат йўлидаги машаққатларга сабр қиладилар. Агар бу имтиҳон бўлмаганида гуноҳкорни итоаткордан ажратиб бўлмас эди. Иймон аҳли буйруқ ва тақиқлар машаққатига сабр этиш орқали ажру савоб олишни, Аллоҳнинг амрини бажариш билан Унинг ризосига эришишни мақсад қиладилар. Шунинг учун машаққатлар уларга енгил бўлади. Нифоқ аҳли эса буйруқ ва тақиқлар машаққатини шунчаки жонни қийнаш, дунё лаззатларидан ўзини маҳрум қилиш деб ўйлайдилар. Шунинг учун бу тийилишлар уларга оғир, тоат-ибодатлар қийин туюлади.

Ҳаром нарсалардан тийилиш билан итоаткор мўмин ҳаловат топади. Зеро, ким бир нарсани Аллоҳ учун тарк қилса, Аллоҳ унинг ўрнига ундан ҳам яхшисини беради. Шунингдек, мўмин киши қалбида иймон лаззатини ҳис қилиб, бундан роҳатланади.

Мухтарам ўқувчиларимиз ушбу китобда Қуръон ва суннат асосида ҳаромлиги баён қилинган, шариатда ҳаромлиги собит бўлган бир қанча амаллар баёнини топадилар.

Ҳаром нарсалар ёки уларнинг баъзи турлари ҳақида ўтган уламолар бир қанча китоблар ёзишган. Имом Заҳабийнинг «Ал-кабоир» (Катта гуноҳлар) ва Ибн Наҳҳос

Димашқийнинг «Танбиҳ ал-ғофилийн ан аъмол ал-жоҳилийн» (Жоҳиллар амалларидан ғофилларни огоҳлантириш) каби китоблари шулар жумласидандир. Афсуски, ҳаром амалларни қилиш, ҳаром нарсаларга қўл уриш бугунги кунда мусулмонлар орасида кенг авж олган. Буларни эслатишдан мақсадим мусулмонларга ҳаром амалларни баён қилиш ва шу тариқа уларга насиҳат улашишдир. Аллоҳ таолодан ўзим ва барча мусулмон биродарларим учун ҳидоят ва тавфиқ сўраб қоламан. Аллоҳ таоло барчамизга Ўзининг ҳудудларидан ўтмасликни, ҳаром нарсалардан сақланишни ва гуноҳлардан покланишни насиб этсин. «Зотан, Аллоҳ энг яхши сақловчидир ва меҳрибонларнинг энг меҳрибонидир».

АЛЛОҲГА ШИРК КЕЛТИРИШ

Дарҳақиқат, ҳаром амалларнинг энг каттаси Аллоҳга ширк келтиришдир. Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда келишича, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Энг катта гуноҳ ҳақида сизларга хабар берайми?»* деб, уч маротаба сўрадилар. Саҳобалар: «Ҳа, хабар беринг, ё Расулуллоҳ», дейишди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аллоҳга ширк келтириш...»*, дедилар⁵.

Аллоҳ таоло ширкдан бошқа гуноҳларни кечириши мумкин, аммо ширкни кечирмайди, унга алоҳида тавба қилиш лозим. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ таоло махлуқотларидан бирортасини Унга шерик қилган кимсани кечирмайди. Ўзи истаган бандасининг ширкдан бошқа ҳар қандай гуноҳини кечиради»** (Нисо, 48).

Ислом динидан чиқарадиган катта ширк амаллар борки, уни қилган киши тавба қилмай вафот этса, дўзахда абадий қолади.

⁵ Бухорий ривояти, 2511. Муҳаққиқ: Доктор Мустафо Диб ал-Буғо.

ҚАБРЛАРГА СИҒИНИШ

Кўпгина мусулмон ўлкаларда тарқаган ширк турларидан бири қабрларга сиғинишдир. Қабрларга сиғиниш, у ерда ётган авлиёлардан мадад сўраш, улар ёрдам беради, ғам-ташвишларни кетказади, деб эътиқод қилиш ширкдир. Аллоҳ таоло бундай дейди: **«Эй инсон, Раббинг ёлғиз Унинг ўзига ибодат қилишингни амр этди»** (Исро, 23).

Шунингдек, ўтиб кетган пайғамбарлар, солиҳ кишилар ва улардан бошқалардан шафоат истаб ёки бошига тушган кулфатлардан халос этишни сўраб дуо қилиш ҳам ширк амалдир. Аллоҳ таоло дейди: **«Сизлар Аллоҳга ширк келтираётган ўша бут-санамларингизга ибодат қилиш яхшими ёки бошига иш тушган одамнинг дуосини ижобат қиладиган ва унинг бошига тушган балоларни Ўзи аритадиган ва сизларни ерда ўзингиздан илгари яшаб ўтганларга ўринбосар қилиб қўядиган Зотга ибодат қилиш яхшими? Сизларга шу қадар кўп неъматларни инъом қилган Аллоҳ билан бирга яна бошқа бирон маъбуд борми?!»** (Намл, 62).

Баъзи одамлар турса ҳам, ўтирса ҳам, қоқилса ҳам бирон пир ёки авлиёнинг исмини айтишга одатланиб қолган. Оғир аҳволга тушса ёки бошига мусибат келса, «Ё Муҳаммад», «Ё Али», «Ё Хусайн», «Ё Жийлоний», «Ё Шозалий», дея ёки шунга ўхшаш чин ёхуд сохта авлиё-

лар номини тилга олиб илтижо қиладилар. Аллоҳ таоло бундай дейди: **«Эй мушриклар, Аллоҳни қўйиб сиғинаётганингиз ўша бут-санамлар сизлар Раббингизга қандай қул бўлсангиз, Унга ана шундай қул (ва банда) дирлар. Агар сизлар уларни ибодатдан бирор нарсага лойиқ деган даъвойингизда содиқ бўлсангиз, қани, уларга дуо қилинглари-чи, сизларга ижобат этармикинлар?!»** (Аъроф, 194).

Баъзи қабрпарастлар қабрларни тавоф қилишади, мақбараларнинг устун ва бурчакларини силашади, остоналарини ўпишади. Қабр олдида бўйинларини эгишади, унинг тупроқларини юз-кўзларига суришади, ўзларини хор тутишади, тавозе билан ёлвориб, талаб-истакларини ва ҳожатларини сўрашади. Беморлар дардларига шифо, бефарзандлар фарзанд тилайди, яна кимдир бошқа эҳтиёжини сўрайди. Гоҳи қабрда ётган кишига хитоб қилиб: «Ё пирим, узоқ жойдан келдим, мени ноумид қайтарманг», деб дуо қилади. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳни қўйиб унинг дуоларига ижобат қилолмайдиган ўликлардан, тоғу тошлардан, дарахтлардан ва шу каби бут-санамларга ибодат, дуо-илтижо қилаётган кимсалардан кўра адашганроқ, жоҳилроқ ким бор?! Ҳолбуки, бу бут-санамлар ўзига сиғинаётган кишиларнинг дуоларидан ғофил, беҳабар, уларга фойда ёки зарар етказишдан ожиздир»** (Аҳқоф, 5).

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадиси шарифда: *«Ким Аллоҳдан бошқага дуо қилиб вафот этса, дўзахга киради»*, деб хабар берганлар⁶.

Баъзи кишилар қабр олдида сочларини қирадилар. Уларнинг қўлларида «Зиёрат одоблари» деган китобчалар

⁶ Бухорий (1238) ва Муслим (92) ривояти.

ҳам бўлиб, бу билан авлиёлар қабрини мукаммал тарзда зиёрат этишни мақсад қиладилар. Баъзи одамлар «Авлиёлар коинотни бошқара оладилар, улар фойда ва зарар беришга қодир», деб эътиқод қилади. Аллоҳ азза ва жалла айтади: **«Эй Пайғамбар, Аллоҳ сизга бирон боло-офат етказса, уни Ўзидан бошқа ҳеч ким арита олмайди. Сизга фаровонлик ё неъмат беришни истаса, ҳеч ким уни сиздан тўса олмайди. Аллоҳ азза ва жалла Ўзи истаган бандаларига фароғат ёки машаққат етказди. У тавба қилганларнинг гуноҳларини кечирувчи, Ўзига иймон келтириб, тоат-ибодат қилган кишиларга раҳмли Зотдир»** (Юнус, 107).

Шунингдек, маййитга атаб шам ёки чироқ ёқиш ҳам ширкнинг бир туридир.

АЛЛОҲДАН БОШҚАГА АТАБ ҚУРБОНЛИК ҚИЛИШ

Катта ширк турларидан яна бири Аллоҳдан бошқага атаб қурбонлик қилиш. Аллоҳ таоло деди: **«Намозларингизни ёлғиз Раббингиз учун ихлос билан адо этинг ва қурбонликларингизни Аллоҳ учун ва Аллоҳнинг номи билангина сўйинг»** (Кавсар, 2).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: *«Ким Аллоҳдан бошқа учун қурбонлик қилса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин»*⁷.

Жонлиқ сўйиш гоҳида иккита гуноҳни ўзида жамлайди: Аллоҳдан ўзгага атаб сўйиш ва Аллоҳдан бошқанинг номи билан сўйиш.

Ҳар икки ҳолатда ҳам бундай жонлиқни истеъмол қилиш ҳаромдир. Кейинги даврда тарқалган жоҳилий қурбонликлардан яна бири жинларга атаб жонлиқ сўйиш. Баъзи одамлар ҳовли-жой сотиб олсалар ёки иморат қурсалар ва ё қудуқ қазисалар, унинг ёнида ёки бўсағасида жинларнинг зарар етказишидан қўрқиб, уларга атаб қон чиқарадилар. Бундай қилиш ҳам ширқдир.

⁷ Муслим ривояти, 1978.

ҲАРОМНИ ҲАЛОЛ, ҲАЛОЛНИ ҲАРОМ ҚИЛИШ

Бирон нарсани ҳалол ёки ҳаромга чиқариш ёлғиз Аллоҳнинг ҳаққидир. Шундан келиб чиқиб, Аллоҳдан бошқа бирон кимсани бу нарсага ҳақли дейиш ёки Аллоҳнинг шариатини четга суриб, қосир инсон ақлининг маҳсули бўлган ҳукм ва қонунларга ихтиёрий тарзда муурожаат қилиш, улар билан ҳукм чиқариш ҳамда шундай қилишни жоиз деб эътиқод қилиш Аллоҳга ширк келтириш ҳисобланади. Аллоҳ азза ва жалла бунинг катта куфр эканини зикр қилиб бундай деган: **«Яҳудий ва насронийлар ўз олимлари ва роҳибларини уларга ҳукмлар тузиб берадиган худолар қилиб олишди»** (Тавба, 31). Адий ибн Ҳотим Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу оятни эшитгач: «Аммо улар (яъни аҳли китоблар) олим ва роҳибларига ибодат қилмас эдилар», деди. Шунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Тўғри, лекин уларга Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол дейишса, улар ҳам ҳалол дейишар ва Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром дейишса, улар ҳам ҳаром дейишар эди. Мана шу уларнинг олим ва роҳибларига ибодат қилишидир»*, деб жавоб бердилар»⁸.

⁸ Байҳақий «Ас-сунан ал-кубро»да (10/116-бет, 20137-ҳадис) ва Термизий (3095) ривоят қилган. Албоний «Ғоят ал-маром»да (19-бет) «ҳасан» деган.

Аллоҳ таоло мушрикларни сифатлаб бундай деган: **«Аллоҳга иймон келтирмайдилар, қайта тирилиш, жазо ва мукофотга ишонмайдилар, Аллоҳ ва Расули қайтарган ишлардан тийилмайдилар, Ислом шариа-ти ҳукмларига амал қилмайдилар»** (Тавба, 29).

Яна Аллоҳ таоло айтади: **«Эй Пайғамбар, ваҳийни инкор қилувчи анавиларга айтинг: «Аллоҳ сиз учун яратган, сўнг сизлар улардан айримларини ўзингиз учун ҳалол, айримларини ҳаром қилиб олган ҳайвонот, наботот ва бошқа ризқлар ҳақида менга хабар беринг-чи! Аллоҳ сизга шундай қилишга изн бердими ёки сизлар Аллоҳга бўҳтон қилиб, ёлғон сўз-лаяписизми?!» Албатта, улар Аллоҳга бўҳтон қилиб, ёлғон сўзни айтмоқдалар?!»** (Юнус, 59).

СЕХРГАРЛИК, КОҲИНЛИК ВА ФОЛБИНЛИК

Сеҳргарлик куфр амал бўлиб, ҳалок қилувчи етти гуноҳи кабиранинг биридир. Сеҳр фақат зарар келтиради, фойда бермайди. Аллоҳ таоло сеҳрни ўрганиш ҳақида шундай дейди: **«Сеҳргарлар бирон кишига Аллоҳнинг изни ва қазосисиз бирор зарар етказишга қодир эмаслар, улар фақат ўзларига зарарли ва бефойда бўлган ёмонликларни ўрганадилар»** (Бақара, 102).

Бошқа бир оятда Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Сеҳргар қаерда бўлмасин сеҳри билан муваффақиятга эришмагай»** (Тоҳа, 69).

Сеҳр билан шуғулланган киши кофир бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади: **«Сулаймон кофир бўлмади, сеҳр ҳам ўрганмади, балки шайтонлар одамларга динларини бузиш мақсадида сеҳр ўргатиб, кофир бўлишди. Шунингдек, яҳудийлар Ироқдаги Бобил ерида икки фаришта Хорут ва Морутга Аллоҳ томонидан бандаларга имтиҳон учун туширилган сеҳрга эргашдилар. Бу икки фаришта ҳеч бир кишига аввал насиҳат қилмай ва: «Биз бор-йўғи бир фитнамиз (яъни одамларни имтиҳон қилиш учун юборилганмиз). Шундай экан, сеҳрни ўрганиш ва шайтонларга итоат қилиш билан кофир бўлиб қолмагин», деб сеҳр ўрганиш оқибатидан огоҳлантирмай туриб, бирон нарса ўргатмас эдилар»** (Бақара, 102).

Сеҳргарлик ҳаром ва жирканч ишдир. Ислом ҳукмига кўра, сеҳргар қатл қилинади.

Баъзи жоҳил, иймони заиф кишилар бошқалар билан ҳисоблашиб қўйиш ёки ўч олиш учун сеҳргарга борадилар. Бошқа бир одамлар эса сеҳрни қайтариш учун сеҳргарга мурожаат қиладилар, унга таяниб ҳаром ишга қўл урадилар. Аслида, Аллоҳ таолога илтижо қилиб, шифони Аллоҳдан сўраб, Қуръон оятларидан сеҳрни қайтарувчи ҳамда мўминлар учун шифо бўладиган «Фотиҳа», «Ихлос» ва Муаввизатайн («Фалақ» ва «Нос») каби сураларни ўқиш лозим.

Ғайбни билишни даъво қилганлари учун коҳин ва фолбинлар ҳам Аллоҳ азза ва жаллага кофир бўлган саналади. Зеро, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ғайбни билмайди.

Фолбинлар содда ва ишонувчан одамларнинг пулини шилиш мақсадида қумга чизиқ тортиш, чиғаноқ отиб фол кўриш, кафт, пиёла, биллур соққа ва кўзгудан ўқиш каби турли хийла-найранглари ишга соладилар. Бир мартаба тўғри гапирсалар, тўқсон тўққиз марта ёлғон айтдилар. Ғофил, қалб кўзи кўр одамлар эса бунинг фаҳмига бормай, ўша битта тўғри айтганини ушлаб олиб, оила ёки тижорат ишларида келажакни, бахт ёки бахтсизликни билиш учун ёки йўқолган нарсаларни топиш илинжида ва яна шунга ўхшаш турли масала ва муаммоларни ечиш мақсадида фолбинлар ҳузурига борадилар.

Фолбинлар ҳузурига бориш ҳукмига келсак, агар инсон улар айтган сўзларни тасдиқласа, кофир бўлади ва Ислом динидан чиқади. Бунга далил Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларидир: *«Ким коҳин ёки фолбиннинг олдига бориб, у айтган нарсаларни тасдиқласа, Муҳаммадга нозил бўлган динга кофир бўлибди»*⁹.

⁹ Имом Аҳмад ривояти, 2/429; Албоний, «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5939.

Аммо фолбинга ишонмаса-да, шунчаки бир синаш учун борган бўлса, кофир бўлмайди, бироқ қирқ кун намози қабул қилинмайди. Бунинг далили ушбу ҳадисдир: *«Ким фолбинга бориб, бирон нарсa ҳақида сўраса, қирқ кун намози қабул қилинмайди»*¹⁰.

Бу ишга қўл урган инсон тавба қилиши, гарчи намози қабул бўлмаслигини билса-да, намозни қолдирмай ўқий-вериши вожибдир.

¹⁰ Муслим ривояти, 2230.

БУРЖ ВА ЮЛДУЗЛАРНИНГ ҲОДИСАЛАР ВА ИНСОНЛАР ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ БОР ДЕБ ЭЪТИҚОД ҚИЛИШ

Зайд ибн Холид Жуҳаний айтади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Худайбияда тунда ёққан ёмғир ортидан бизга бомдод намозини ўқиб бердилар. Намоз тугагач, инсонларга юзландилар ва: *«Раббингиз нима деганини биласизми?»* деб сўрадилар. Саҳобалар: *«Аллоҳ ва Расули билувчидир»*, дейишди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ: «Бандаларимдан айримлари Менга иймон келтирган ҳолда, баъзилари эса кофир бўлган ҳолда тонг оттирдилар. Ким Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан бизга ёмғир ёғди, деса, Менга иймон келтирган, юлдузларга кофирдир. Ким фалон юлдуз сабабли бизга ёмғир ёғди, деса, Менга кофир, юлдузларга иймон келтиргандир»*, деди»¹¹.

Газета ва журналларда чиқадиган бурж ва мунажжимлар башорати каби жаҳолатларга мурожаат қилиш ҳам шулар жумласидандир. Инсон юлдуз ва буржларнинг таъсири бор деб эътиқод қилса, мушрик бўлади. Агар шунчаки эрмак учун ўқиса, осий ва гуноҳкор бўлади. Сабаби, лаънати шайтон инсоннинг қалбига шу каби ишларга

¹¹ Бухорий ривояти, 846.

ишонишни солади. Бу иш ширкка олиб бориш эҳтимоли бўлгани учун бундай нарсаларни эрмак учун ўқиш ҳам жоиз эмас.



АЛЛОҲДАН БОШҚА НАРСАЛАР ФОЙДА ЁКИ ЗИЁН КЕЛТИРАДИ, ДЕБ ЭЪТИҚОД ҚИЛИШ

Баъзи одамлар тумор, исирик, тақа, кўзмунчок, чиғаноқ ва шунга ўхшаш нарсалар кўз тегишининг олдини олади ёки турли бало-офатларни даф қилади, дея ишонадилар. Одатда улар бу нарсани сеҳргар, фолбин ёки айрим кекса кишилардан эшитиб олган бўлади. Шунинг учун бу нарсаларни кўздан сақланиш ёки балони қайтариш мақсадида иморатларнинг пештоқига, сўри ва машиналарга, шунингдек, бўйинларига осиб оладилар ва ёш болаларнинг бўйнига ва қўлига тақиб қўядилар, хатто кийимларига ҳам тикиб қўядилар. Баъзилар эса айна мақсадда турли хил тошлардан ясалган узуклар тақиб оладилар. Бу ишлар, шубҳасиз, Аллоҳга бўлган таваккулни йўққа чиқаради, шундоқ ҳам заиф инсонни янада заифлаштиради. Зеро, инсон Парвардигорига бўлган иймони ва таваккули — суяниши билан кучлидир. Устига-устак, бундай ишлар ҳаром билан даволанишга киради. Одамлар осиб олган туморларнинг аксари очиқ ширкдан иборат бўлиб, унда жин ва шайтонлардан ёрдам сўралади. Уларда ноаниқ расмлар чизилган ёки тушуниб бўлмайдиган ёзувлар ёзилган бўлади. Айрим сеҳргарлар Қуръон оятларини ширк сўзлар билан аралаштириб, баъзилари эса ҳайз қони сингари нажосатлар билан ёзадилар. Бундай туморларни осиб олиш, шубҳасиз, ҳаромдир.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: *«Ким тумор осиб олса, мушрик бўлганида ҳеч шак-шубҳа йўқдир»*¹².

Борди-ю, мазкур ишларни қилувчи киши бу нарсалар Аллоҳнинг изн-иродасисиз ўзича фойда ёки зарар беради, деб эътиқод қилса, катта ширк келтирган бўлиб, диндан чиқади. Агар бу нарсалар фойда ёки зарарга сабабчи, деб эътиқод қилса, у ҳолда диндан чиқмаса-да, кичик ширкдан иборат оғир гуноҳга қўл урган саналади. Бу каби ишлар сабаблар бобида ширк келтириш ҳисобланади. Чунки Аллоҳ таоло мазкур ишларни фойда-зиён учун сабабчи қилмаган.

¹² Имом Аҳмад ривояти, 4/165. Албоний, «Ас-силсила ас-саҳиҳа», 492.

ИБОДАТЛАРДАГИ РИЁКОРЛИК

Дарҳақиқат, амал солиҳ бўлиши учун риёдан холи ва суннатга мувофиқ бўлиши шарт. Ибодатни инсонлар кўриши учун қилган одам кичик ширкка қўл урган бўлади, қолаверса, қилган амали ҳам бекор кетади. Бунга риёкорлик билан намоз ўқиш, садақа бериш ва ҳоказо амалларни мисол қилиш мумкин. Аллоҳ таоло айтади: **«У мунофиқлар иймонни изҳор қилиб, дилларида куфрни яшириб, Аллоҳни алдашга уринмоқчи бўладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни алдаб қўювчи ва уларга қилмишларига яраша жазо берувчидир. У мунофиқлар намозга турсалар, ялқовлик билан турадилар, намозлари билан риёни қасд қиладилар. Улар Аллоҳ таолони жуда кам ёдга оладилар»** (Нисо, 142).

Шунингдек, инсон бирон бир амални одамлар ўртасида овоза бўлиши ёки инсонлар эшитиши учун қилган бўлса, у ҳам ширкдир. Бу тўғрида шариатда қаттиқ таҳдидлар келган. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: *«Ким бир амални одамлар эшитсин деб қилса, Аллоҳ уни шарманда қилади. Ким амални одамлар кўриши учун қилса, Аллоҳ унинг ҳақиқатини очиб, расвосини чиқаради»*¹³.

¹³ Муслим ривояти, 2986.

Ким бир ибодатни ҳам Аллоҳ учун, ҳам одамлардан бир нарса умид қилиб қилса, унинг амали бекордир. Ҳадиси қудсийда келишича, Аллоҳ таоло бундай деди: *«Мен шерикликдан энг беҳожат бўлган Зотман. Ким бирон амал қилиб, унда Менга бошқани шерик қилса, унинг ўзини ҳам, шерик қилган нарсасини ҳам тарк этаман»*¹⁴.

Инсон Аллоҳ учун бир амалга киришса-ю, сўнг амалига риё аралашаётганини пайқаб, бундан хавотирга тушса ва бор имкониятини ишга солиб, уни кетказса, амалига путур етмайди. Бироқ дилидаги ҳиссиётдан севиниб, унга қарши курашмаса, аксар уламоларнинг фикрига кўра, амали ботил бўлади.

¹⁴ Муслим ривояти, 2985.

ШУМЛАНИШ ЁХУД ИРИМ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай деган: **«Фиръавн ва унинг қавмига мўл-кўлчилик, ҳосилдорлик етса: «Бунга биз ҳақли равишда эришдик», дейишди. Қурғоқчилик ва қаҳатчилик етса, шумланиб: «Бу бизга Мусо ва унинг қавми сабабли етди», дейишди. Билингларки, уларга етган қурғоқчилик ва қаҳатчилик фақат Аллоҳнинг қазою қадари билан ва ўз гуноҳлари ва куфрлари сабабли етгандир»** (Аъроф, 131).

Арабларда шундай одат бор эди: агар улардан бири бирон ишни қилмоқчи бўлса, масалан, сафарга чиқиш-ни истаса, бир қушни ушлаб, сўнг қўйиб юборарди. Агар қуш ўнг тарафга учса, буни яхшиликка йўйиб, сафарга отланар, борди-ю, чап тарафга учса, буни беҳосиятлик деб шумланар ва сафарга чиқиш ниятидан қайтар эди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу амалнинг ҳукмини баён қилиб: **«Шумланиш ширкдир»**, деганлар¹⁵.

Шумланиш ёхуд ирим қилиш Исломда ҳаром бўлган ҳамда тавҳидга зид амаллардандир. Мусулмонлар ҳаётида шундай ирим-сиримлар, бузуқ эътиқод ва тушунчалар афсуски кўплаб топилади. Муайян ой ёки кунларга боғлиқ иримлар, айтайлик, сафар ойида тўй қилмаслик, ҳар ой-

¹⁵ Аҳмад ривояти, 1/389. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 3955.

нинг охирги чоршанбасини беҳосият кун дея шумланиш ёки айрим сонлардан, масалан, 13 рақамидан хавфсираш шулар жумласидандир. Шунингдек, баъзи исмлар ёки ногирон кишилардан шумланиш, мисол учун, дўконини очиш учун кетаётган киши кўзи ғилай одамни кўриб қолиб, дўконни очмай орқасига қайтиб кетиши ва шу каби ирим-сиримлар ҳаром ҳисобланади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай эътиқод мусулмонларга ёт эканини эълон қилиб бундай деганлар: *«Ким шумланса ёки ўзгани шумлантурса, фол очса ёки фол очтурса, сеҳр қилса ёки сеҳр қилдирса, биздан эмас»*¹⁶.

Бирон кишининг қалбида шумланиш пайдо бўлса, бунинг каффорати Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда айтилган. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Кимни шумланиш бирон ишидан қайтарса, ширк келтирибди»*. Саҳобалар: «Эй Расулуллоҳ, бунинг каффорати нима?» деб сўрашди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Парвардигоро, Сен яхшилик аломати қилган нарсагина яхшилик аломатидир. Сен ёмонлик аломати қилган нарсагина ёмонлик аломатидир ва Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқдир, деб айтишингиз»*, дедилар¹⁷.

Шумланиш нафс табиатидан бўлиб, озайиб ва кўпайиб туради. Бундан халос бўлишнинг энг катта давоси Аллоҳ азза ва жаллага таваккул қилишдир. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтганлар: *«Қай биримизнинг кўнглига мана шу шумланишдан бирон нарса тушиб қолса, Аллоҳ таолонинг Ўзига таваккул қилиш билан кетказар эди»*¹⁸.

¹⁶ Табароний «Ал-кабир»да (18/162) ривоят қилган. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5435.

¹⁷ Аҳмад ривояти, 2/220. «Ас-силсила ас-саҳиҳа», 1065.

¹⁸ Абу Довуд ривояти, 3910. «Ас-силсила ас-саҳиҳа», 430.

АЛЛОҲДАН БОШҚА БИЛАН ҚАСАМ ИЧИШ

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўзи яратган махлуқотлардан хоҳлагани билан қасам ичади. Аммо инсонлар Аллоҳдан бошқаси билан қасам ичишлари жоиз эмас. Кўпгина инсонлар билиб-билмай Аллоҳдан бошқа билан қасам ичадилар. Ҳолбуки, қасам ичиш улуғлашнинг бир тури бўлиб, бундай улуғлаш фақат Аллоҳ таологагина қаратилган бўлиши шарт. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *«Шуни яхши билиб олинглар, Аллоҳ таоло сизларни ота-боболарингиз билан қасам ичишингиздан қайтаради. Ким қасам ичса, Аллоҳ номи билан қасам ичсин ёки жим бўлсин»*¹⁹.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Ким Аллоҳдан бошқа билан қасам ичса, ширк келтирибди»*²⁰.

Бурайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: *«Ким омонат билан қасам ичса, биздан эмас»*²¹.

¹⁹ Бухорий ривояти, 6108.

²⁰ Аҳмад ривояти, 2/125. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6204.

²¹ Абу Довуд ривояти, 3253. «Ас-силсила ас-саҳиҳа», 94.

Демак, Каъба, омонат, фалончининг обрўйи ёки баракаси ёки унинг ҳаёти билан, пайғамбарлар ёки авлиёларнинг ҳаққи-ҳурмати билан, ота-она ва фарзандлар билан қасам ичиш жоиз эмас, буларнинг бари ҳаромдир. Кимдаким Аллоҳдан бошқа нарсалар билан қасам ичиб қўйса, унинг каффорати «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейишдир. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «*Ким қасам ичса-ю, қасамида «Лот ва Уззога»²² қасам» деса, Ла илаҳа иллаллоҳ деб қўйсин*»²³. Негаки, Аллоҳдан бошқа нарса билан қасам ичган одам ширк ишни қилган бўлади. Шу боис чин ихлос билан «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейиш ширкка каффорат бўлади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, баъзи мусулмонлар билиб-билмай айтадиган ширк ва ҳаром сўзлар ҳам бор. Масалан, «Аллоҳ ва сендан паноҳ сўрайман», «Аллоҳ ва сенга суянганман», «Аллоҳ ва сен бўлмаганингда», «Бу нарса Аллоҳ ва сендан», «Менга ёрдам берадиган осмонда Аллоҳ бўлса, ерда сенсан», «Аллоҳ ва фалончи бўлмаганида» каби сўз ва ибораларда инсонларни Аллоҳга тенглаштириш бўлгани учун уларни ишлатишдан четланиш лозим. Шунингдек, «табиат инжиқликлари», «табиат шуни хоҳлади» ва «она табиат» каби иборалар дарвинизм таълимотининг асорати бўлгани ҳамда яратиш, бошқариш ва хоҳиш-ирода сифатларини бериш орқали табиатни илоҳийлаштириш экани боис бундай сўзлардан ҳам узоқ туриш лозим. Қолаверса, «замон бузилиб кетди», «ёмон замон бўлди», «бу омадсиз (бехосият) пайт», «алдоқчи замон» ва ҳоказо сўз-иборалар замонни сўкиш

²² Лот ва Уззо — жоҳилият даврида мушриклар сиғиниб келган икки бутнинг номи.

²³ Бухорий (4860) ва Муслим (1647) ривояти.

ҳисобланади. Ҳолбуки, ҳадисда замонни сўкишдан қайтарилган.

Ундан ташқари Абдулмасих²⁴, Абдунабий, Абдурасул²⁵ ва Абдулҳусайн²⁶ каби бандалик — қулликни Аллоҳдан бошқага нисбат берадиган исмлар қўйиш ҳам жоиз эмас. Шунингдек, мусулмонлар орасида айрим янги пайдо бўлган ва тавҳидга зид бўлган истилоҳ ва иборалар ҳам ишлатилиб келинади. Масалан, «Ислом социализми», «Ислом демократияси», «халқ иродаси — бу Аллоҳнинг иродаси», «дин Аллоҳники, ватан эса барча учун», «миллат номи билан ёки революция номи билан бошлайман» каби исломий эътиқодга зид бўлган ботил ибора ва шиорларни ишлатиш ҳам ҳаромдир.

Қолаверса, одамларни «олампаҳо», «шаҳаншоҳ», «балоғардон» каби сўзлар билан васф этиш ҳамда кофир ёки мунофиқ кишиларга «сайид» (жаноб, улуғ киши) деб мурожаат қилиш ҳам ҳаромдир. Шунингдек, бўлиб ўтган иш — тақдирдан норози бўлиб, «агар ундай бўлмаганда, бундай бўлар эди» дейиш, яъни шу иш юз берганида Аллоҳ тақдир қилган ишнинг олди олинар эди, деган эътиқодда айтиш ҳаромдир. Негаки, Аллоҳ тақдир қилган иш ҳар қандай ҳолатда ҳам содир бўлмай иложи йўқ. Бироқ киши бажара олмай қолган яхши амаллар — тоат-ибодатлар тўғрисида надомат чекиб, «фалон ишни қилганимда фалон ажр-савобга эга бўлар эканман» қабилида сўзлаши жоиз. Чунки «Агар ундоқ бўлганида, бундоқ бўлар эди, деган сўз шайтоннинг амалини очади»²⁷ деган

²⁴ Масих — Исонинг кули, асосан христианларда учрайди.

²⁵ Набий ёки расул (пайғамбар)нинг кули.

²⁶ Ҳусайннинг кули, асосан шиаларда учрайди.

²⁷ Имом Муслим (2664-ҳадис) Абу Ҳурайра разияллоху анхудан ривоят қилган.

ҳадисдан мақсад тақдирга ва шариатга эътироз билдириб айтилган сўзлардир. Ана шундай ножоиз гаплардан бири айрим инсонларнинг дуода «Эй Аллоҳ, агар хоҳласанг мени кечир», деб айтишидир. Зеро, Аллоҳ таолога бу тариқа хитоб қилиш одобсизлик саналади.



МУНОФИҚ ВА ФОСИҚ КИШИЛАР БИЛАН УЛФАТ БЎЛИШ

Иймон қалбларидан мустаҳкам ўрин олмаган кўпгина кишилар фосиқ ва фожирлар билан бирга ўтирадилар. Ҳатто баъзилар Аллоҳнинг шариатини ҳақорат қиладиган, Аллоҳнинг дини ва дўстларини масхаралаётган кимсалар билан ҳамтовоқ бўладилар. Шубҳасиз, бу нарса ақидага путур етказадиган ҳаром амаллардандир. Аллоҳ таоло Қуръонда бундай деган: **«Эй Пайғамбар, Қуръон оятлари ҳақида истехзо билан ботил сўзлар айтаётган мушрикларни кўрсангиз, то бошқа сўзларга ўтмагунларича улардан четланинг! Агар шайтон бу нарсани эсингиздан чиқарган бўлса, эслашингиз биланок Аллоҳнинг оятлари борасида ботил гапларни гапирадиган бу тажовузкор қавм билан бирга ўтирманг!»** (Анъом, 68).

Бундай фосиқ-фожир кимсалар, гарчи яқин қариндош бўлсалар ҳам, қанчалик хушмуомала ва ширинсўз бўлсалар ҳам, улар билан бирга ўтириш жоиз эмас. Лекин уларни даъват қилиш, ножўя ишлардан қайтариш ва уларга эътироз билдириш мақсадида бирга ўтириш жоиз. Аммо инсон уларнинг ножўя ишларига рози бўлиб ёки эътироз билдирмай ўтирса, асло жоиз эмас.

Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, сизлар улардан рози бўлсангиз ҳам, Аллоҳ улардан ва улардан бошқа**

фиску фужурда давом этган кимсалардан рози бўлмайди» (Тавба, 96);

«Эй мўминлар, Раббингиз китобида сизларга нозил қилдики, агар сизлар Аллоҳнинг оятларига кофир бўлинаётганини ва оятларни масхара қилинаётганини эшитсангиз, ўша кофирлар ва масхараловчилар билан то улар куфр ва истехзо сўзидан бошқа сўзга ўтмагунларича бирга ўтирманг. Агар ана шу ҳолатларида улар билан бирга ўтирсангиз, сиз ҳам улар кабидирсиз. Чунки сиз уларнинг куфр ва масхараларига рози бўлдингиз. Гуноҳга рози бўлиб турган уни қилган билан баробардир. Албатта, Аллоҳ таоло мунофиқ ва кофирларнинг ҳаммасини жаҳаннам ўтига жамлагай» (Нисо, 140).

НАМОЗДА ХОТИРЖАМ ТУРМАСЛИК

Энг катта ўғрилиқ намоздан ўғирлашдир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Инсонлар ичидаги энг ёмон ўғри намозидан ўғирлайдиган кишидир»*. Саҳобалар: «Эй Расулуллоҳ, намозидан қандай ўғирлайди?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Намознинг руку ва саждаларини мукамал қилмасдан»*, дедилар²⁸.

Намозда хотиржам турмаслик, руку ва саждаларда белни текис тутмаслик, рукудан кўтарилганда қоматни тўла ростламаслик ҳамда икки сажда орасида тўғри ўтирмаслик, буларнинг бари кўпгина намозхонларда учрайдиган қусурлардир. Хатто намозларида хотиржам турадиган қавмни масжидларда топиш амри маҳол бўлиб қолди. Ваҳоланки, намозда хотиржам туриш намоз руқнларидан бири бўлиб, усиз намоз дуруст бўлмайди. Бу жиддий масала. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Руку ва саждада белини текис қилмагунча кишининг намози дуруст бўлмайди»*²⁹.

Намозни хотиржам ўқимаслик эътироз ва таҳдидга лойиқ бўлган ножўя ишдир. Абу Абдуллоҳ Ашъарий разияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

²⁸ Аҳмад ривояти, 5/310. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 997.

²⁹ Абу Довуд ривояти, 855. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 7224.

саллам саҳобалар билан намоз ўқидилар. Сўнг уларнинг бир қанчалари билан ўтирган эдилар, бир киши кириб намоз ўқий бошлади. Намознинг руку ва саждаларини худди дон чўқигандек тез-тез бажарди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мана буни кўряпсизми? Ким мана шу ҳолатда ўлса, Муҳаммаднинг динидан бошқа динда ўлибди, намозини худди қарға қон чўқиётгандек ўқимоқда. Руку ва саждаларни худди дон чўқигандек тез-тез бажарган кишининг мисоли оч қорнини тўйғазиш учун битта ёки иккита хурмо еган кишига ўхшайди. Бир-иккита хурмо қорин тўйғазармиди?!»»*³⁰.

Зайд ибн Ваҳб ривоят қилади: «Хузайфа разияллоҳу анҳу руку ва саждаларни мукаммал қилмаётган кишини кўриб, унга: «Сен намоз ўқимадинг, агар шу ҳолда ўлсанг, Исломдан бошқа фитратда ўласан», деди»³¹.

Намозни хотиржам ўқимайдиган кишилар бу ҳукмларни билганларидан сўнг намозни шошмасдан, хотиржам ўқишлари ва ўтган намозларидаги камчиликлар учун Аллоҳга кўп тавба қилишлари лозим.

³⁰ Ибн Хузайма «Саҳиҳ»да (1/332) ривоят қилган.

³¹ Бухорий ривояти, 389.

НАМОЗДА БЕҲУДА ВА ОШИҚЧА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ

Намозда кўп ҳаракат қилиш ҳам кўпчилик мусулмонлар дучор бўлган офатлардандир. Чунки улар Аллоҳ таолонинг **«Намозларингизда Аллоҳга итоат ва хушу билан туринглар»** (Бақара, 238) деган сўзига бўйсунмайдилар.

Шунингдек, бундайлар қуйидаги оят ҳақида ақл юритмайдилар: **«Аллоҳга ва Пайғамбарига иймон келтирган ва Унинг шариатига амал қилган кишилар аниқ нажот топдилар. Улар намозларида хушу билан турадилар, қалблари намозга фориғ бўлиб, аъзойи баданлари сокин туради»** (Мўъминун, 1-2).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саждада тупроқни текислаш ҳақида сўралганларида: *«Намоз ўқиётганингда тозалама. Агар (жуда) тозалаш лозим бўлса, унда бир марта майда тошларни текисла»*³², деб айтганлар.

Аҳли илмларнинг айтишича, эҳтиёжсиз кўп ва кетма-кет ҳаракат қилиш намозни бузади. Энди жойнамоз устида туриб, Аллоҳнинг ҳузурида турган ҳолимизда биримиз соатимизга қарасак, биримиз кийимимизни тўғриласак, биримиз бурнимизни, қулоғимизни қашла-

³² Абу Довуд ривояти, 946. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 7452.

сак, яна биримиз ўнгга, чапга, осмонга қарасак, кўзимиз ўйилиб тушишидан қўрқмаймизми?! Шайтон намозимиздан чалғитиб, савобини олиб қўйишидан хавотирланмаймизми?!



IXLOS
Nashriyoti

МУҚТАДИЙНИНГ ИМОМДАН ЎЗИБ КЕТИШИ

Инсон табиатан шошқалоқ қилиб яратилган. Аллоҳ таоло айтади: «**Инсон шошқалоқдир**» (Исро, 11).

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Сабр Аллоҳдан, шошқалоқлик эса шайтондан*», деганлар³³.

Айрим намозхонлар шошганиданми ёки эътиборсизликданми, намознинг бир рукнидан иккинчи рукнига ўтишда имомдан ўтиб кетиб қоладилар, яъни руку ва саждаларда имомдан олдин эгилиб ёки имомдан олдин бош кўтарадилар, ҳатто саломни ҳам имомдан олдин бериб қўядилар. Кўпчилик намозхонларга аҳамиятсиздек туюлган бу амал ҳақида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қаттиқ огоҳлантириш ва таҳдид келган. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «*Имомдан олдин бош кўтараётган киши Аллоҳ таоло унинг бошини эшакнинг бошига айлантириб қўйишидан қўрқмайдими?!*»³⁴

Биз намозга шошмасдан, хотиржам ва виқор билан келишга буюрилганмиз, гарчи жамоат намозни бошлаган бўлса ҳам. Демак, намозга қўшилишда шошмаслик ва хотиржамликка буюрилган экан, намоз ичида суку-

³³ Имом Байҳақий «Ас-сунан ал-кубро»да (10/104) ривоят қилган. «Ас-силсила ас-саҳиҳа», 1795.

³⁴ Бухорий (691) ва Муслим (427) ривояти.

нат ва хотиржамликка эътибор қаратиш янада муҳимроқ бўлади. Баъзи намозхонлар гоҳо имомдан ўтиб кетсалар, гоҳида жуда ортда қолиб кетадилар. Фуқаҳоларимиз бу масалада ажойиб меъёрни зикр қилиб шундай дейишган: «Муқтадий имом такбирни айтиб бўлгандан сўнггина ҳаракатга киришмоғи лозим». Демак, имом «Аллоҳу акбар» калимасидаги «р» ҳарфини айтиб бўлгач, имомга эргашганлар ҳаракатни бошлайдилар, бундан олдин ҳам, бундан кейин ҳам эмас. Муқтадий ҳаракатини тартибга солиб турувчи меъёр шудир.

Саҳобаи киромлар имомдан олдинга ўтиб кетмасликка ниҳоятда қаттиқ эътибор берар эдилар. Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу бундай деган эди: «Саҳобалар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқишар экан, у зот рукудан бошларини кўтарсалар, то пешоналарини ерга қўймагунларича (сажда учун) бирор-та саҳобанинг энгашгани кўрилмас эди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пешоналари ерга теккач, саҳобалар саждага эгилар эдилар»³⁵.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёшлари кексайиб, нисбатан секин ҳаракат қила бошлагач, орқаларида намоз ўқиётганларни огоҳлантириб: *«Ҳой одамлар, мен кексайиб қолдим, шунинг учун руку ва саждада мenden олдинга ўтиб кетманглар»*, дер эдилар³⁶.

Имомликка ўтган киши такбирларда суннатга амал қилиши лозим. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқимоқчи бўлсалар, қиёмда такбири таҳримани айтар эдилар. Сўнг руку қилаётганларида такбир айтар эдилар,

³⁵ Муслим ривояти, 474.

³⁶ Байҳақий ривояти, 2/93. Албоний «Ирво ал-ғалил»да (2/290) «ҳасан» деган.

сўнг саждага эгилаётганларида такбир айтар эдилар, сўнг саждадан бошларини кўтараётганларида такбир айтар эдилар, сўнг сажда қилаётганларида такбир айтар эдилар, сўнг бошларини кўтараётганларида такбир айтар эдилар. Сўнг то намоз тугагунга қадар шу ишни такрорлар эдилар. Шунингдек, икки ракаатдан кейинги қаъдадан қиёмга тураётганларида ҳам такбир айтар эдилар»³⁷.

Баъзи имомлар илми озлиги ва суннатни яхши билмаслигидан турган жойида «Аллоҳу акбар» деб, сўнг рукуга энгашади, тик туриб «Аллоҳу акбар» деб кейин саждага кетади, бундай қилиш суннатга хилофдир.

Имом намозда такбирларни айтиш билан ҳаракатланишни бир вақтда бажарса, иқтидо қилганлар ҳам юқорида зикр этилган тартибга риоя қилишса, ўшанда жамоат намозлари тартибли равишда дуруст бажарилган бўлади.

³⁷ Бухорий ривояти, 756.

САРИМСОҚ, ПИЁЗ КАБИ БАДБЎЙ НАРСАЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИБ МАСЖИДГА КЕЛИШ

Аллоҳ таоло айтди: **«Эй Одам болалари, ҳар бир намозни адо этиш пайтида** (авратларни тўсувчи кийим, поклик, таҳорат ва шу кабилардан иборат шаръий) **зийнатда бўлинглар!»** (Аъроф, 31).

Жобир разияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким пиёз ёки саримсоқ еса, биздан четлансин»* ёки *«масжидимиздан четлансин, уйида ўтирсин»*, дедилар»³⁸.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда эса: *«Ким саримсоқ, пиёз ва кўк пиёз еган бўлса, масжидимизга яқинлашмасин, чунки фаришталар одам боласи озорланадиган нарсадан озорланади»*, дейилган³⁹.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу жума куни инсонларга хутба қилатуриб, бундай деди: «Эй инсонлар! Сизлар ёқимсиз бўлган пиёз ва саримсоқни ейсизлар. Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни пиёз ва саримсоқ ҳиди келган кишини масжиддан Бақеъга чиқиб туришга буюрганларини кўрганман. Ким уларни ейдиган бўлса, пишириб есин»⁴⁰.

³⁸ Бухорий ривояти, 855.

³⁹ Муслим ривояти, 564.

⁴⁰ Муслим ривояти, 567.

Бу гаплар касб-ҳунарлари билан машғул бўлиб, қўлтиқларидан ва пайпоқларидан анқиб турган нохуш ҳид билан масжидга кирувчиларга ҳам тегишлидир.

Аммо бундан-да жирканчроғи ҳаром бўлган сигаретни чекиб, сўнг масжидга кириб, унинг сассиғи билан инсонлар ва фаришталарга озор берувчилардир.

ЗИНО

Шариати исломиянинг мақсадларидан бири номус ва наслни сақлаш ва ҳимоя қилишдир. Шунинг учун шариатимиз зинони ҳаром қилди. Аллоҳ таоло айтади: **«Зинога яқинлашманг! Зеро, зино ўта қабих иш ва жуда ёмон йўлдир»** (Исро, 32).

Пок шариатимиз зинога олиб борадиган барча сабаб ва воситаларни ҳаром қилди, улардан қайтарди. Масалан, номаҳрамларга қараш, улар билан холи қолиш, аёлларнинг рўмолсиз (ҳижобсиз) юришлари ва шу кабилар.

Турмуш кўрган киши зино қилса энг қаттиқ жазога тортилади, то ўлгунча тошбўрон қилиб қатл этилади. Мақсад — жиноятининг аламини тотсин, жасадининг ҳар бир аъзоси ҳаромдан қандай роҳатланган бўлса, худди шундай оғриқ аламини чексин.

Зинокор турмуш кўрмаган бўлса, жазоси юз дарра уришдир. Жазо одамлар иштирокида амалга оширилади, чунки мусулмонларнинг бир тоифаси бунга гувоҳ бўлиши керак. Шунда зинокор шарманда бўлиб, азоби ва хорлиги янада аччиқ бўлади. Қолаверса, бундай зинокор ўзи яшаб турган ва унда жиноят содир этган шахрдан бир йилга сургун қилинади.

Барзах ҳаёти бўлмиш қабрда зинокорлар яланғоч ҳолда тепаси тор, таги эса кенг бўлган, тагидан олов ёқилган қозонда азобланадилар. Олов алангаланиб, уларни куй-

дирса, қичқириб тепага тирмашиб чиқа бошлайдилар, хатто қозондан чиқиб кетишларига оз қолади, олов сўндирилса, яна пастга тушадилар ва то қиёматгача шу ҳолда қоладилар.

Агар инсон ёши катта, қабрга кириши яқин қолган, Аллоҳ унга узоқ умр берган бўлишига қарамай зино қилишда давом этаётган бўлса, бу янада ачинарли ва қабих ҳолатдир. Бундайлар ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу гапни айтганлар: *«Уч тоифа борки, қиёмат кунини Аллоҳ уларга гапирмайди, уларни покламайди, уларга қарамайди ва уларга аламли азоб бордир: зинокор қария, ёлғончи подшоҳ ва мутакаббир камбағал»*⁴¹.

Касбларнинг энг ёмони зино билан мол-дунё топишдир.

Кечанинг ярмида осмон эшиклари очилиб, дуо қилувчининг дуоси қабул бўладиган вақт бор. Лекин жинсий аъзоси ила мол-дунё орттираётган зинокор бу вақтда ижобатдан маҳрумдир. Баъзилар камбағаллигини, муҳтожлигини сабаб қилиб зинокорлигига баҳона излайди. Ҳеч қандай муҳтожлик ёки камбағаллик Аллоҳ таолонинг чегараларини бузишга шаръий узр бўла олмайди. Қадимдан қолган гап бор: «Хур аёл оч қолади, лекин бола эмизиб ҳақ олмайди». Шундай экан, зино қилиб пул топган аёлга нима дейиш мумкин?!

Ҳозирги асримизда фоҳишалик дарвозалари ланг очилди, шайтон васваса ва ҳийла қилиши осонлашди, осий ва бузуқлар унга эргашиб кетишди, аёлларнинг очик-сочик, ёпинчиқсиз юришлари кенг тарқалди, кўпчилик, хатто баъзи намозхонлар ҳам номаҳрам аёлларга ёки аёллар бегона эркакларга қараши оммавий тус олди.

⁴¹ Муслим ривояти, 107.

Эркак-аёл аралаш-қуралаш юриши, фаҳшни тарғиб қиладиган газета, журнал ва сериаллар кўпайиб кетди. Нопок ва бузуқ одамлар кўп бўлган шаҳарларга тез-тез сафарлар уюштириладиган бўлди, қўшмачиларнинг «тижорати» ривож топди, ор-номусларнинг поймол этилиши, валади зино, яъни беникоҳ туғилган болалар, аборт қилиш ёки туғилган гўдакларни ҳар хил йўллар билан нобуд қилиш қадамда учрайдиган бўлиб қолди.

Эй Раббимиз! Бизларни Ўз раҳматинг ва лутфинг ила фоҳишалик ва зинокорликдан сақлагин. Қалбларимизни ва аъзоларимизни поклагин ҳамда биз билан ҳаромнинг ўртасида ўтиб бўлмайдиган тўсиқ барпо қилгин.

БАЧЧАБОЗЛИК

Лут алайҳиссалом қавмининг жинояти эркаклар ўзaro бир-бирлари билан жинсий қўшилишидан иборат эди. Аллоҳ таоло айтади: **«Лут ўз қавмига: «Албатта, сизлар шундай бузуқлик қилмоқдасизларки, сизлардан илгари ўтган бирон кимса бундай қилмаган эди. Ҳақиқатда ҳам сизлар (хотинларингизни қўйиб) эркакларга борурмисиз, йўлтўсарлик-қароқчилик қилурмисиз?!» деганини эсланг»** (Анкабут, 28-29).

Бу гуноҳ ниҳоят даражада қабих, жирканч ва хатарли бўлганидан Аллоҳ таоло бундай жиноятчи қавмни бошқа бирон қавмга бир вақтнинг ўзида жамламаган тўрт азоб билан азоблади: уларнинг кўзларини кўр қилди, устларига сопол тошларни ёғдирди, даҳшатли қичқириқ юборди ва ерларини остин-устин қилиб ташлади.

Шариати исломия ҳукмига кўра, бундай бузуқлик қилган эркаклар, агар ўз ихтиёрлари билан қилган бўлсалар, қилувчи ҳам, қилинувчи ҳам қилич билан чошиб ўлдирилади.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилиб бундай деган: *«Кимни Лут қавмининг амалини қилаётган ҳолида топсангиз, қилувчини ҳам, қилинувчини ҳам қатл этингиз»*⁴².

⁴² Аҳмад ривояти, 1/300. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6565.

Ўтмишда учрамаган, аммо ҳозирга келиб пайдо бўлган ОИТС (СПИД) ва шу каби турли касалликлар сабаби фоҳишалик, бузуқлик ва носоғлом ҳаёт кечириш туфайли экани ва бундай иш қилувчиларга белгиланган азобнинг қаттиқлиги Аллоҳ таолонинг етук ҳикматига далолат қилади.



АЁЛ КИШИ ШАРЪИЙ УЗРСИЗ ЭРИНИНГ ТЎШАГИДАН БОШ ТОРТИШИ

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Эр тўшакка чақирганда аёл бош тортса ва эр ундан ғазабланган ҳолда тунни ўтказса, фаришталар тонг отгунга қадар у аёлни лаънатлайдилар»*⁴³.

Кўп аёллар эрлари билан ораларида гап ўтиб қолса, ўзларича жазо қўллаб, эрларини тўшак ҳаққидан маҳрум этадилар. Бундан эса катта ёмонликлар келиб чиқади. Эрнинг ҳаромга юриб кетиши шу жумладандир. Ундан ташқари, иш хотиннинг зарарига айланиб, эри унинг устига хотин олишни ўйлаб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун эр қачон аёлини тўшакка чорласа, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларига амал қилган ҳолда, аёл эрининг талабини қондиришга шошилсин: *«Киши аёлини тўшакка чақирса, аёл гарчи эгар устида бўлса ҳам, эрининг талабини қондирсин»*⁴⁴.

Эр киши ҳам ўз навбатида аёлининг ҳақларига риоя қилиши лозим. Унинг касал, ҳомиладор ва ғам-қайғули дамларига қараб иш тутса, келишмовчилик барҳам топиб, тотувлик бардавом бўлади.

⁴³ Бухорий (3237) ва Муслим (1436) ривояти.

⁴⁴ Қаранг: «Завоид ал-Баззор», 2/181; «Саҳиҳ ал-жомеъ», 547.

АЁЛ КИШИ ШАРЪИЙ САБАБСИЗ ЭРИДАН ТАЛОҚ СЎРАШИ

Баъзи аёллар оилада учраб турадиган арзимас келиш-мовчиликлар туфайли ёки сўраган маблағни эри бермаса, ё айтган нарсасини олиб бермаса, эридан талоғини сўрашга ошиқадилар. Ачинарлиси, гоҳида бу ишга аёлларни ўз яқинлари, оналари ё опа-сингиллари ёки дугоналари ундайди. Баъзи аёллар «Эркак бўлсанг, талоғимни бер», деб эрининг асаби ва ғурурига тегадиган гаплар билан уни талоқ қилишга чорлайди.

Маълумки, талоқ сабабли оилаларда парокандалик, болаларнинг бебош қолиши каби ёмон оқибатлар келиб чиқади. Кўп аёллар кейинчалик бунга афсус-надомат қиладилар, бироқ унда кеч бўлади. Шу ва шунга ўхшаш бир қанча сабабларга кўра, шариатимиз хотиннинг сабабсиз талоқ сўрашини ҳаром қилган.

Савбон разияллоҳу анҳу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: *«Қайси аёл бирон сабабсиз эридан талоқ сўраса, жаннатнинг ҳиди унга ҳаромдир»*⁴⁵.

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда эса: *«Хулу сўровчи (мблағ эвазига эридан талоқ*

⁴⁵ Аҳмад ривояти, 5/277. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 2703.

талаб қилувчи) ва эридан ўзини тортувчи аёллар мунофиқ аёллардир»⁴⁶, дейилади.

Аммо шаръий сабаб бўлса, талоқ сўраш жоиз. Шунда юқорида ўтган таҳдид доирасига кирмайди. Масалан, эр маст қилувчи ичимлик ичишга ёки гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга мубтало бўлган бўлса ёки аёлини ҳаром ишларга мажбурласа, унга азоб берса, зулм қилса ёки уни шаръий ҳуқуқларидан маҳрум қилса ва насихат фойда бермаса ҳамда ислоҳ йўллари топа олмаса, дини ва жонини сақлаб қолиш учун эридан талоқ талаб қилишда аёлга гуноҳ йўқдир.

⁴⁶ Табароний, «Ал-кабир», 17/339. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 1934.

ЗИҲОР

Ҳозирда ҳам уммат ичида аввалги жоҳилият давридагидек, эр хотинига зиҳор қилиб, «Сен менга онам каби ҳаромсан», «Сен менга опамнинг ҳаромлиги каби ҳаромсан», дегани каби шариат қабиҳ ҳисоблаган ва аёлга зулм бўлган ножўя сўзлар учраб туради. Аллоҳ буни Ўзининг ушбу сўзида сифатлаб деди: **«Ораларингиздан хотинларига зиҳор қиладиган кишилар Аллоҳга осий бўлибдилар. Уларнинг аёллари ҳақиқатан оналари эмас, балки хотинларидир. Уларнинг оналари уларни дунёга келтирган ва туққан оналаридир. Зиҳор қилувчи кимсалар нотўғри, ноҳақ ва ёлғон сўзни айтмоқдалар. Аллоҳ холис тавба билан ўзларини тузатган кишиларни кечирувчи, мағфират қилувчи Зотдир»** (Мужодала, 2).

Зиҳор учун шариатда беҳосдан одам ўлдириб қўйиш ва Рамазон ойи кундузи хотинига қўшилиш каффорати-га ўхшаш оғир каффорат белгиланган. Хотинига зиҳор қилиб, кейин унга қайтмоқчи бўлган кимса бу қилмиши учун маълум каффорат — тўлов тўламасдан олдин унга қўшилиши мумкин эмас. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деган: **«Аёлларига зиҳор қилиш билан уларни ўзларига ҳаром санаётган, сўнг бу сўзларидан қайтадиган кишилар хотинига қўшилишдан олдин бир қул ёки чўрини озод қилиши вожиб. Бу билан сизларга**

насиҳат қилинмоқда. Аллоҳга сизнинг амалларингиздан бирон нарсa яширин эмас. У амалларингизга муносиб жазо ёки мукофот берувчи Зотдир. Ким озод қиладиган қул тополмаса, аёлига қўшилишдан илгари икки ой кетма-кет рўза тутиши лозим бўлади. Ким бирон шаръий узр туфайли икки ой рўза тутишга қодир бўлмаса, у ҳолда олтмишта мискинни таомлантириб, тўйдирмоғи лозим. Буни Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига иймон келтиришингиз учун сизга баён қилдик. Юқорида зикр қилинган бу ҳукмлар Аллоҳнинг буйруқлари ва ҳудудларидир. Шундай экан, уларни бузиб ўтманг. Бу буйруқларни инкор қилувчи кофирлар учун аламли азоб бордир» (Мужодала, 3-4).

ҲАЙЗ ПАЙТИДА АЁЛИГА ҚЎШИЛИШ

Аллоҳ таоло айтади: **«Эй Пайғамбар, сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Сиз уларга айтинг, у ёқимсиз ва яқинлик қилган кишига зарарли нарсадир. Ҳайз пайтида то қон тўхтагунича аёлларингизга қўшилишдан сақланинг»** (Бақара, 222).

Аёл киши ҳайздан поклангач, то ғусл қилмагунча эр унга яқинлик қилмайди: **«Қон тўхтаб, ғусл қилганларидан сўнг, Аллоҳ ҳалол қилган ўринга қўшилишлар...»** (Бақара, 222).

Қуйидаги ҳадис бу гуноҳнинг нақадар оғир эканига далолат қилади: *«Ким аёлига ҳайз пайтида ёки унинг орқа авратига яқинлик қилса ёки фолбинга борса, Муҳаммадга нозил қилинган динга кофир бўлибди»*⁴⁷.

Ким қасддан эмас, балки билмаган ҳолда янглишиб шундай қилиб қўйган бўлса, истиғфор айтиб, тавба қилиши ҳамда бундан буёғига хушёрроқ бўлиши лозим. Аммо қасддан — билиб туриб, нафсига эргашиб қилган бўлса, каффорат ҳақида келган ҳадисни саҳиҳ деган аҳли илмларнинг сўзларига кўра унга каффорат вожиб бўлади. Каффоратнинг миқдори бир ёки ярим динордир. Баъзи олимларнинг фикрича, хоҳласа бир, хоҳласа икки

⁴⁷ Термизий ривояти, 1/243. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5918.

динор беради. Бошқа бир гуруҳ уламоларнинг фикрича, ҳайзнинг аввалида — қон кўплигида қўшилса бир динор, ҳайзнинг охирида — қон камайганида ёки ғусл қилишдан аввал қўшилса, ярим динор каффорат беради. Бир динор муомаладаги ўлчовга кўра 4.25 грамм тиллага тенг бўлади. Демак, шунча миқдорда олтин ёки унинг қийматини садақа қилади.

АЁЛИНИНГ ОРҚА АВРАТИГА ЯҚИНЛИК ҚИЛИШ

Аёлнинг орқа авратига фақат иймони заиф, бузуқ кишилар яқинлик қиладилар. Бу иш катта гуноҳ бўлиб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилувчиларни лаънатлаганлар. Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: *«Ким аёлининг орқа авратига яқинлик қилса, малъундир»*, дейилади⁴⁸.

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз бундай деганлар: *«Ким аёлига ҳайз пайтида ёки унинг орқа авратига яқинлик қилса ёки фолбинга борса, Муҳаммадга нозил қилинган динга кофир бўлибди»*⁴⁹.

Соғлом табиатли аёллар бундан бош тортадилар. Лекин баъзи эрлар аёли итоат қилмаса, талоқ билан кўрқитиб, уни шу ишга мажбурлайди. Айримлари эса Аллоҳ таолонинг: **«Аёлларингиз экинзорларингиз. Сизлар улар билан истаган кўринишингизда қўшилинглар»** (Бақара, 223), деган сўзига кўра, бу ишни ҳалол санаб, аҳли илмлардан сўрашга ҳаё қиладиган содда аёлини алдайдилар.

Маълумки, суннат Қуръонни тафсир қилади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам эр аёлининг фарзанд

⁴⁸ Аҳмад ривояти, 2/479. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5865.

⁴⁹ Термизий ривояти, 1/243. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5918.

туғадиган жойи бўлмиш жинсий аъзосига хоҳ олд тарафидан, хоҳ орқа тарафидан яқинлик қилиши жоиз эканини хабар берганлар. Орқа аврат эса фарзанд туғиладиган ўрин эмаслиги ҳеч кимга махфий эмас. Ҳаром ва нопок хатти-ҳаракатлар ҳамда шаҳвоний фильмлар кўришдан қолган бузуқ хотиралардан тавба қилмаган ҳолда пок оилавий ҳаётга кириб келиш ушбу жиноятга қўл уриш сабабларидан биридир. Гарчи икки тараф рози бўлса ҳам, бу иш ҳаромдир. Иккала тарафнинг ўзаро рози бўлиб қилишлари ҳам бундай ҳаром ишларни ҳалолга айлантира олмайди.

ХОТИНЛАР ЎРТАСИДА АДОЛАТ ҚИЛМАСЛИК

Аллоҳ таоло ўзининг улуғ Китобида хотинлар ўртасида адолат қилишни амр этиб бундай деди: **«Эй эркаклар, ҳар қанча уринмангиз, муҳаббат ва қалб мойиллиги борасида хотинлар ўртасида асло тўла адолат қила олмайсиз. Шундай экан, ёқтирмай қолган хотинингизни муаллақ, яъни на эрлик ва на талоқ қилинган ҳолда ташлаб қўйиб гуноҳкор бўлманг. Ҳолингизни ислоҳ қилсангиз, хотинларингиз ўртасидаги тақсимда адолатли бўлсангиз ва улар ҳақида Аллоҳдан тақво қилсангиз, албатта Аллоҳ бандаларини кечирувчи ва уларга раҳмли бўлган Зотдир»** (Нисо, 129).

Хотинлар ўртасида адолат қилиш дегани тунда бирига бўлиш, едириб-ичириш ва кийдиришда ҳар бирини тенг кўришдир. Бунга қалб муҳаббати кирмайди, чунки банда қалбига эгалик қила олмайди. Айрим кўпхотинли эрлар аёлларидан бирига оғиб кетиб, шуникида кўпроқ тунаб, шунга кўпроқ нафақа қилиб, бошқасини ташлаб қўяди. Шубҳасиз, бундай қилиш ҳаром. Аёллари ўртасида адолат қилмайдиган эрларнинг қиёматдаги ҳоли ҳақида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам огоҳ этиб бундай деганлар: *«Кимнинг икки хотини бўлиб, бит-*

таси томонга оғиб кетса, қиёмат куни ярми шол ҳолда келади»⁵⁰.

⁵⁰ Абу Довуд ривояти, 2/601. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6491.

НОМАҲРАМ АЁЛ БИЛАН ХИЛВАТДА ҚОЛИШ

Лаънати шайтон инсонларни фитнага солиш ва ҳаром ишларга бошлашга жуда ҳам ҳарисдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло Қуръонда бизларни ундан огоҳлантириб деди: **«Эй иймон келтирганлар, шайтоннинг йўлларига юрманглар. Ким шайтоннинг йўлларига юрса, у уни қабиҳ ва ёмон ишларга буюради»** (Нур, 21).

Шайтон Одам болаларининг қон томирида юради. Унинг одамларни фаҳш ва бузқлик сари бошлаш услубларидан бири номаҳрам аёл билан хилватда қолишдир. Шунинг учун ҳам шариат бу йўлни беркитди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Киши номаҳрам аёл билан холи қолса, учинчилари шайтон бўлади»*⁵¹.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда эса бундай деганлар: *«Бугундан кейин бирон киши номаҳрам аёлнинг олдига ёлғиз ўзи кирмасин. Аммо бир ёкки киши ҳамроҳлигида кириши бундан мустасно»*⁵².

Киши номаҳрам аёл билан, масалан, ака-укасининг хотини, хизматчиси, ҳамшираси билан на уйда, на машинада, на хонада холи қолиши жоиз эмас. Кўпчилик ўзига ё бошқага ишонгани сабабли бу ҳолга енгил қа-

⁵¹ «Саҳиҳи Термизий», 2165.

⁵² Муслим ривояти, 2173.

райди. Натижада, фаҳшга ё фаҳшга олиб борувчи ҳолатларга тушиб, ҳаромдан болалар туғилиши ва бундан бошқа нохуш воқеалар содир этилишига сабабчи бўлиб қоладилар.



НОМАҲРАМ АЁЛЛАР БИЛАН ҚЎЛ БЕРИБ КЎРИШИШ

Динимизни, ўзлигимизни унутиб, ўзга миллатлар маданиятига эргашиш ва уларга тақлид қилиш оқибатида динимизга ёт ва урф-одатларимизга зид бўлган номақбул ишлар оддий ҳол бўлиб қолди. Шулардан бири номаҳрам аёллар билан қўл бериб кўришишдир. Бу нохуш ҳолат жамиятда Аллоҳнинг шариати ўрнига баъзи манфур ижтимоий урф-одат ва анъаналар ҳукмрон бўлиши оқибатидир. Ҳолат шу даражага бордики, одамларга шариат ҳукмларидан гапирсангиз, сизни қоқоқлик, динни мураккаблаштириш, қариндошлар билан алоқани узиш ва яхши ниятларга шубҳа қилишда айблайдилар. Натижада, амма, амаки, хола ва тоғаларнинг қизлари ҳамда келин ва келинойилар билан қўл бериб кўришиш жамиятимизда бир пиёла сув ичишдан ҳам енгилроқ бўлиб қолди. Аслида, бу иш шариат нуқтаи назарида нақадар хатарли эканига очиқ кўз билан назар солишганида бундай қилишмас эди. Бу ҳақда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ ҳадис келган: *«Сизлардан бирортангизнинг бошига бигиз санчилиши номаҳрам аёлни ушлагандан кўра яхшироқдир»*⁵³.

⁵³ Табароний ривояти, 20/212. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 4921.

Ушлаш, шубҳасиз, қўлнинг зиносидир. Чунки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Икки кўз зино қилади, икки қўл зино қилади, икки оёқ зино қилади ва жинсий аъзо зино қилади»*, деб умматларини огоҳлантирганлар⁵⁴.

«Биз аёллар билан ёмон ниятда кўришмаймиз, кўнглимиз тоза!» деган сўзларни эшитиб қоламиз. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қалбларидан ҳам тоза-роқ қалб борми? Энг покиза қалб соҳиби бўлсалар ҳам ул зот: *«Мен аёллар билан қўл бериб кўришмайман»*, деб айтганлар⁵⁵.

Яна ўзлари ҳақида: *«Мен аёлларнинг қўлини ушламайман»*, деганлар⁵⁶.

Ойша разияллоҳу анҳо Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида бундай деган: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳнинг қўллари бирон (номаҳрам) аёлнинг қўлига ҳаргиз тегмаган. Аёллар билан байъат қилсалар, сўз билан байъат қилар эдилар»⁵⁷.

Ўз аёлини ака-укалари ёки бошқа номаҳрам эркаклар билан қўл бериб кўришишга мажбурлаётган, кўришмаса талоқ қилиш билан таҳдид қилаётган эрлар Аллоҳдан кўрқсинлар!

Яна шуни билиш керакки, очик қўл билан эмас, балки қўлни бирон мато билан тўсиб ёки қўлқоп кийиб кўришиш ҳам ҳеч нарсани ўзгартирмайди, яъни у ҳам ҳаром.

⁵⁴ Аҳмад ривояти, 1/412. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 4126.

⁵⁵ Аҳмад ривояти, 6/357. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 2509.

⁵⁶ Табароний, «Ал-кабир», 24/342. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 7054.

⁵⁷ Бухорий (5288) ва Муслим (1866) ривояти.

АЁЛЛАР АТИР-УПА СЕПИБ КЎЧАГА ЧИҚИШЛАРИ

Бу иллат ҳам асримизга келиб ниҳоят даражада кенг тарқалди. Ҳолбуки, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ишдан қаттиқ қайтарганлар: *«Қайси бир аёл атир-упа сепса ва эркаклар унинг бўйини ҳидлаши учун уларнинг олдидан ўтса, ўша аёл зинокордир»*⁵⁸.

Кўпчилик аёллар бепарволик ёки билмаганлари боис бозорга, дўконга ё ишга кетаётганларида хушбўй атирларни сепиб чиқадилар. Аммо шариатимиз уйдан чиқишни хоҳлаган аёлга, агар хушбўйлик ишлатган бўлса, токи жанобатдан ғул қилгани каби ювиниб олмагунча кўчага, ҳатто масжидга ҳам чиқишни ман этган. Бу ҳақда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Қайси бир аёл хушбўйланса, сўнг масжидга чиқса ва бошқалар унинг ҳидини сезсалар, токи жанобатдан ғул қилгани каби ғул қилмагунича бу аёлнинг намози қабул бўлмайди»*⁵⁹.

Тўйларга, бозорларга, дўконларга, жамоат транспортларига, кўпчилик орасига, ҳатто Рамазон кечалари масжидларга, хуллас, уйларида ташқарига хушбўй атир-

⁵⁸ Аҳмад ривояти, 4/418. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 105.

⁵⁹ Аҳмад ривояти, 2/444. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 2703.

ларни сепиб чиқаётган аёл-қизларни Аллоҳ ислоҳ қилсин.

Ислом дини талабларига кўра, аёлларнинг хушбўйликлари ранги кўринса-да, ҳиди чиқмайдиган бўлиши керак.

Аллоҳдан бизларга ғазаб қилмаслигини, нодонларимизнинг ишлари сабаб солиҳларимизни азобламаслигини ва барчамизни тўғри йўлга йўллашини сўраб қоламиз.

АЁЛЛАРНИНГ МАҲРАМСИЗ САФАР ҚИЛИШЛАРИ

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёл маҳрамсиз бир кунлик масофага сафар қилиши ҳалол эмас»*⁶⁰.

Аёл кишининг маҳрамсиз сафарга чиқиши фосиқ кимсалар эътиборини тортишига, заиф ва ёлғизлигидан фойдаланиб, унга гап отишларига ёки тажовуз қилишларига, ҳеч бўлмаганда унинг нафсониятига тегишларига сабаб бўлиши мумкин. Ҳатто учоқ орқали сафар қилаётган аёлни маҳрами кузатиб, маҳрами кутиб олган тақдирда ҳам юқоридаги хавф-хатар юз бермаслигига ҳеч кимса кафолат бера олмайди. Ахир аёлнинг шундоққина ёнидаги ўриндиқда ким ўтиришини билмаймиз-ку! Борди-ю, техник носозлик юз бериб, учоқ бошқа тайёрагоҳга қўнишига тўғри келса, унда нима бўлади? Кўплаб ишқий қиссаларнинг дебочаси мана шундай воқеалардан бошланган.

Аёлнинг маҳрами мусулмон, балоғатга етган, эс-ҳуши жойида ва эркак бўлиши шарт. Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Аллоҳга ва*

⁶⁰ Муслим ривояти, 1339.

охират кунига иймон келтирган аёл уч ва ундан кўп кунлик сафарга отаси ёки ўғли, эри ёки ака-укаси ёки бошқа бирор маҳрамисиз сафар қилиши ҳалол эмас»⁶¹.

⁶¹ Муслим ривояти, 1340. Юқоридаги ҳадисда “бир кунлик” дейилди. Пастдагисида эса “уч кунлик” дейилди. Сабаби, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам сўровчининг саволига қараб жавоб берганлар. Аёл киши маҳрамсиз бир кунлик сафарга чиқса бўладими, деб сўраган кишига «бир кунлик», уч кунлик сафарга чиқса бўладими, деб сўраган кишига «уч кунлик» деб жавоб берганлар.

БЕГОНА АЁЛЛАРГА ҚАРАШ

Аллоҳ таоло айтади: **«Эй Пайғамбар, мўминларга айтинг, ўзларига ҳалол бўлмаган аёллар ва авратларга қарашдан кўзларини тийсинлар ва жинсий аъзоларини Аллоҳ ҳаром қилган ишлардан сақласинлар. Мана шу улар учун энг покиза ишдир. Аллоҳ улар нима қилишаётганидан хабардор Зотдир»** (Нур, 30).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Кўзнинг зиноси қарашдир»**⁶².

Аммо шаръий эҳтиёж юзасидан қараш, масалан, йигитнинг ўзи уйланмоқчи бўлган қизга қараши ёки табибнинг беморга қараши бундан мустаснодир.

Аёл кишининг ҳам бегона эркакларга боқиши ҳаромдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Мўмина аёлларга айтинг, кўзларини ўзлари учун ҳалол бўлмаган авратларга қарашдан сақласинлар, жинсий аъзоларини Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан сақласинлар»** (Нур, 31).

Шунингдек, ҳали соқоли чиқмаган ва чиройли болаларга шахват билан қараш ҳам ҳаромдир. Яна эркак эркакнинг авратига, аёл аёлнинг авратига қараши ҳам жоиз эмас. Қараш ҳаром бўлган авратни ушлаш, ҳатто мато билан бўлса-да, ҳаромдир. Баъзилар «жонли эмас» деган

⁶² Бухорий ривояти, 6612.

баҳона билан беҳаё суратлар ва фильмларни томоша қилишади. Бу кимсалар шайтон ҳийла-найрангига учган кимсалардир. Зеро, бундай ишларнинг зарари ва шаҳватни жунбишга келтириши очик-ойдин маълумдир.



ДАЮСЛИК

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло уч тоифа кимсага — ичкиликка муккасидан кетган, ота-онасига оқ бўлган ва аҳли оиласининг нопок ишларига кўз юмадиган даюсга жаннатни ҳаром қилган»*⁶³.

Хонадонидаги хотин-қизларнинг бегона эркаклар билан алоқа ўрнатиб, учрашиб, гаплашиб юришларига кўз юмиш, улардан бирини бегона эркак билан ёлғиз қолдириш, ёлғиз ўзини ҳайдовчига қўшиб машинага миндириб юбориш, ношаръий либосда, ўтган ҳам, кетган ҳам қарайдиган ҳолда кўчага чиқишига рози бўлиш, фисқу фасод ва бузуқликни ташвиқ қилувчи фильм ва журналларни уйга киритиш асримизда кенг тарқалган даюслик кўринишларидир.

⁶³ Аҳмад ривояти, 2/69. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 3047.

ЁЛҒОНДАН БОЛАНИ ЎЗ ОТАСИДАН БОШҚАГА НИСБАТ БЕРИШ ВА КИШИНИНГ ЎЗ ФАРЗАНДИДАН ТОНИШИ

Шариат бўйича мусулмон одам ўз отасидан ўзгани ҳақиқий отам дейиши ёки ўзига тегишли бўлмаган оилага қўшилиб олиши мумкин эмас. Баъзи кишилар моддий манфаатни кўзлаб, қалбаки насаб топиб, уни расмий хужжатда қайд эттириб олади. Гоҳида ёшлигида ташлаб кетган отасига жаҳл қилиб ҳам шундай ишга қўл уради. Ҳолбуки, бу ишларнинг бари ҳаромдир. Бу нарсa маҳрамлик, никоҳ, мерос каби ишларда ёмон оқибатларга олиб келади.

Саҳиҳ ҳадисларда саҳобалар Саъд ва Абу Бакра разияллоҳу анҳумодан Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари ривоят қилинган: *«Ким ўзи билиб туриб ўзгага (бегонага) фарзандликни даъво қилса, жаннат унга ҳаромдир»*⁶⁴.

Насл-насабни аралаштириб юбориш ёки уни қалбакилаштиришнинг ҳар қандай кўриниши шариатда ҳаром саналади.

Баъзи эрлар хотини билан жанжаллашганда ўчакишиб, уни бузуқликда айблади ва пушти камаридан бўл-

⁶⁴ Бухорий ривояти, 6766.

ган фарзандидан ҳеч қандай далил-исботсиз воз кечади. Баъзи хотинлар борки, эрларига хиёнат қилиб, бегонадан орттирган болани эрига тиркаб юборади. Ахир Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган қуйидаги ҳадисда бу каби ишлардан қаттиқ қайтарилган: *«Қайси аёл бир қавмга улардан бўлмаган болани қўшиб юборса, Аллоҳдан узилган, дину диёнатсиз кимса бўлади ва ҳеч қачон Аллоҳ уни жаннатга киргизмайди. Шунингдек, қайси эркак ўз фарзандидан билатуриб юз ўгирса, Аллоҳ ундан юз ўгиради ва олдингию кейинги (уммат)лар олдида шарманда қилади»*⁶⁵.

⁶⁵ Абу Довуд ривояти, 2/695. Албоний, «Тахриж мишкот ал-масобийҳ», 3250.

СУДХЎРЛИК

Аллоҳ ўзининг китобида судхўрлардан бошқа ҳеч кимга қарши уруш эълон қилгани ҳақида хабар бермаган. Аллоҳ таоло деди: **«Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинг ва агар ҳақиқий мўмин бўлсангиз, судхўрлик сарқитларини тарк қилинг! Агар тийилмасангиз, Аллоҳ ва Расулига қарши урушга (кирганингизга) аниқ ишонаверинг!»** (Бақара, 278-279).

Шу оятнинг ўзи судхўрлик Аллоҳ азза ва жалла ҳузурида нақадар оғир жиноят эканига етиб ортади.

Давлатлар ва халқлар аҳволига эътибор бериб қаранган киши судхўрлик касофатидан келиб чиқаётган инқирозлар, қарзга ботишлар, иқтисодиётнинг издан чиқиши, ишсизликнинг кенг тарқалиши, ширкатлар ва ташкилотларнинг касодга учраши, тинимсиз ишлаб топилган пуллар ўша тугаб битмас фоизларни тўлашга кетиши, бойликларнинг жамиятдаги бир ҳовуч кишилар қўлига ўтиб қолиши каби оғир иллатларга гувоҳ бўлади. Ана шулар Аллоҳ ваъда қилган урушнинг баъзи кўринишлари бўлса, ажаб эмас.

Судхўрликда иштирок этган ҳар икки тараф, ўртада турганлар, ёрдам берганлар — ҳамма-ҳаммасини Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам лаънатлаганлар. Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда айтилади: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам рибо егувчини

ҳам, едирувчини ҳам, уни ёзган ва унга гувоҳ бўлганларнинг барини лаънатладилар ва: «Улар (гуноҳда) тенгдир», дедилар⁶⁶.

Шунга биноан, судхўрликни қайд этиш, олиш, бериш, сақлаш, умуман, қандай тарзда бўлса ҳам унга кўмаклашиш ҳаромдир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу оғир гуноҳнинг нечоғлик қабиҳлигини баён қилиб, бундай деганлар: «Рибо етмиш уч турдан иборат. Бу турлардан гуноҳи энг енгил бўлгани киши ўз онаси билан зино қилишининг гуноҳи кабидир. Рибонинг энг каттаси эса мусулмон киши обрўсини тўкишидир»⁶⁷.

Абдуллоҳ ибн Ҳанзала разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кишининг судхўрликдан билиб туриб бир дирҳам ейиши ўттиз олти марта зино қилишдан оғирроқдир», деганлар⁶⁸.

Судхўрлик ҳаммага бирдай ҳаромдир. Баъзилар ўйлаганидек, бой ва камбағал ўртасидаги судхўрликкагина чекланган эмас, балки бу ҳукм ҳар бир ҳолат ва ҳар бир шахсга тааллуқлидир.

Қанча-қанча бой-бадавлат кишилар, катта савдогарлар судхўрлик сабабидан касодга учраганларига ҳаётий далиллар жуда кўп. Ҳеч бўлмаганда, молнинг саноғи кўп бўлса-да, баракаси бўлмайди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рибода (мол) кўпайса ҳам, оқибати камлик бўлади», деганлар⁶⁹.

⁶⁶ Муслим ривояти, 1598.

⁶⁷ Ҳоким, «Ал-мустадрок», 2/37. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 3533.

⁶⁸ Аҳмад ривояти, 5/225. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 3375.

⁶⁹ Ҳоким ривояти, 2/37. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 3542.

Шунингдек, рибонинг ҳаромлиги фоизнинг баланд ёки паст бўлиши билан белгиланмайди. Унинг ози ҳам, кўпи ҳам тенг. Судхўр қиёмат куни шайтон чалган кишидек қабридан гандираклаб туради.

Судхўрлик оғир жиноят бўлса-да, ундан тавба қилиш мумкинлиги, бунинг йўли борлигини Аллоҳ таоло кўрсатиб қўйган. Аллоҳ таоло айтади: **«Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга, шунда золим ҳам бўлмайсиз, сизга ҳам зулм қилинмайди. Агар қарздор қарзни тўлашга қодир бўлмаса, имкон топгунига қадар кутинг. Агар билсангиз, кечиб юборишингиз ўзингиз учун яхшидир»** (Бақара, 279). Бу айни адолатдир.

Мўминнинг қалби бу оғир гуноҳдан нафратланиши ва унинг қабиҳлигини ҳис этиши зарур. Билмасдан рибо аралашган жойларга пул тикканлар ёки риболи ишларга қўшилиб қолганлар Аллоҳга истиғфор айтишлари ва бундан бошқа ҳалол, баракали йўлларни излашлари зарур бўлади. Рибодан орттирилган мол-дунёни эса омма учун фойдали бўлган жоиз ишларга сарфлаб, ундан қутулишлари даркор. Аммо уни садақа қилиш, ибодат саналган ишларга сарфлаш жоиз эмас. Чунки Аллоҳ покдир ва пок нарсаларнигина қабул қилади. Шунга кўра, мусулмон киши ейиш-ичиш ёки кийинишда, улов ёки уй-жой сотиб олишда, бола-чақа ёки ота-онани боқишда, садақа ёки закот чиқаришда бўладими — ҳеч бирида рибодан фойдаланиши жоиз эмас. Балки Аллоҳнинг азобидан қўрққан ҳолда ундан халос бўлиш керак.

МОЛНИНГ АЙБИНИ ЯШИРИБ СОТИШ

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам буғдой сотаётган кишининг олдидан ўтаётиб, қўлларини буғдой солинган идишга тикдилар. Шунда бармоқлари намни сезди, сотувчига: *«Ҳой буғдойнинг эгаси, бу нима?»* дедилар. «Ёмғир тегибди», деди у. *«Одамлар кўришлари учун (нам бўлганини) устига чиқариб қўймайсанми? Алдаган киши биздан эмас»*, дедилар саллаллоҳу алайҳи ва саллам⁷⁰.

Бугун Аллоҳдан қўрқмайдиган кўплаб сотувчилар молнинг айбини устига бир нарсалар ямаб, яширадилар ёки айби борини идишнинг тагига қўядилар ёки кимёвий моддалар ёрдамида маҳсулотнинг ташқи кўринишига ишлов берадилар ёки дейлик, машинанинг мотори ё бошқа ерида носозлик борлигини билдирадиган товушни баъзи усуллар билан вақтинча тўхтатадилар. Қараб-сизки, маҳсулот ёки буюм харидорнинг қўлига ўтгач, кўп ўтмай ишдан чиқади. Баъзилар маҳсулотнинг яроқлилик муддатини ўзгартирадилар ёки харидорга маҳсулотни яхшилаб кўриб, текшириб ё синаб олишга йўл қўймайдилар. Молнинг айбини айтмайдилар. Булар айни ҳаром ишлардир. Баъзи сотувчилар кимошди савдосида: «Бир тўп темир сотаман», деб айтиб қўйсам, бўлди, жавоб-

⁷⁰ Муслим ривояти, 102.

гарлик бўйнимдан соқит бўлади, деб ўйлайдилар. Аммо унутмаслик керак, бундай савдо қилишдан барака кўтариладир.

Азиз сотувчилар! Ўзингизни шундай алдашса, рози бўласизми? Сиз алдаётган киши кимлигини билиб қўйинг. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Мусулмон мусулмон билан ака-укадир. Ўз ака-укасига айби бор нарсанинг айбини баён қилмай сотиш ҳалол эмас»*⁷¹.

Яна бир ҳадисда эса бундай деганлар: *«Олувчи ва сотувчи бир-бирларидан ажраганларига қадар ихтиёрлидирлар. Агар улар рост ва очиқ савдо қилишса, савдолари баракали бўлади. Ёлғон ва ҳийлали савдоларидан эса барака кўтарилади»*⁷².

⁷¹ Ибн Можа ривояти, 2/754. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6705.

⁷² Бухорий ривояти, 2079.

ЁЛҒОН ХАРИДОРЛИК

Сотиб олишни хоҳламаган ҳолда бошқа харидорларни алдаш учун маҳсулотга қиммат нарх таклиф қилиш ёлғон харидорлик саналади. Ҳадисларда бу каби савдони «нажш» савдоси дейилган.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз: «*Нажш (ёлғон харидорлик) қилманглар!*» деганлар⁷³. Бу ҳам макр-ҳийланинг бир туридир. Ҳадиси шарифда: «*Макр ва ёлғон (соҳиби) дўзахдадир*», дейилган⁷⁴.

Кимошди савдоларида ва машина бозорларида бозорга кириб келаётган молга арзон баҳо беришга келишиб олиб, сотувчини алдайдиган, аммо мол ўзларига қарашли бўлса, аксинча, билинтирмай харидорлар орасига кириб олиб, нархни кўтарадиган ва шу билан Аллоҳнинг бандаларини алдайдиган, уларга зарар етказадиган маккор, хоин даллолларнинг ишлари пасткашлиқдир.

⁷³ Бухорий (2140) Муслим (1413) ривояти.

⁷⁴ «Ас-силсила ас-саҳиҳа», 1057.

ЖУМА НАМОЗИНИНГ ИККИНЧИ АЗОНИДАН КЕЙИН САВДО ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, жума куни муаззин намозга чақирса, дарҳол Аллоҳнинг зикрига (яъни хутбани тинглаш ва намозни адо этишга шошилинг). Савдо-сотиқ ва намоздан сизни буриб қўядиган барча ишни тарк қилинг. Агар билсангиз, мана шу (иш) сизлар учун яхшидир»** (Жумъа, 9).

Баъзи сотувчилар дўконларида ёки масжидларнинг ёнида жуманинг иккинчи азонидан кейин ҳам савдоларини давом эттираверадилар. Улардан нарсасотиб олаётган харидорлар ҳатто мисвок сотиб олсалар ҳам, улар билан гуноҳда шерик бўладилар. Бу пайтдаги савдо ботилдир.

Баъзи ошхоналар, новвойхона ва корхоналарнинг эгалари эса ишчиларни жума вақтида ишлашга мажбур қиладилар. Бир қараганда уларнинг фойдалари кўпаяётгандек кўринса ҳам, аслида, зиёндан ўзга нарсани орттира олмайдилар. Ишлашга мажбурланган ишчига келсак, у Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадислари мазмуни бўйича иш тутиши керак: *«Гуноҳ ишда бандага итоат қилинмайди»*⁷⁵.

⁷⁵ Имом Аҳмад ривояти, 1/129. Аҳмад Шокир: «Ҳадис санади саҳиҳ», деган (1065).

ҚИМОР ЎЙНАШ

Аллоҳ таоло деди: «Эй иймон келтирганлар, ароқ, қимор, бутлар ва фол очиладиган чўплар — мана шуларнинг ҳаммаси шайтон чиройли кўрсатадиган гуноҳ ишлардир. Булардан узоқлашинг, шояд шунда жаннатга эришсангиз» (Моида, 90).

Жоҳилият даврида араблар қимор ўйнар эдилар. Қиморнинг энг машхур шакли бундай эди: ўн киши битта туяни ўртада сотиб олишар, сўнг камон ўқлари ёрдамида қуръа ташлашар эди. Еттита киши ўйин қоидаси бўйича белгиланган ҳар хил улушларни олар, қолган учтаси ҳеч нарсга олмас эди.

Ҳозирги пайтда қиморнинг турлари кўпайиб кетди. Улардан бири лоторея бўлиб, унинг ҳам тури кўп. Энг оддийси — тиражда қўйилган маҳсулот учун рақамли лоторея билетлари сотиб олиш. Ҳамма пул тикади, аммо ютуқ айримларгагина чиқади. Бунда бировнинг ҳақи бошқага ноҳақ ўтиб кетади.

Қиморнинг яна бир тури шуки, ичида нима борлиги номаълум буюм сотиб олинади ёки ўша буюмни сотиб олган харидорларга рақамлар берилади ва мукофот ғолибларини аниқлаш учун шу рақамлар ўртасида қуръа ташланади. Буларнинг барчаси, модомики, бировнинг ҳақи бошқага ноҳақ ўтиб кетар экан, «хайрия лотореяла-

ри» каби баландпарвоз номлар билан аталса-да, шариат бўйича ҳаром ҳисобланади.

Асримиздаги қимор кўринишларидан яна бири ҳаёт, машина ёки буюмларни суғурталаш ёки ёнғин каби бахтсиз ҳодисаларга қарши қилинадиган тўлиқ ёки бошқа хилдаги суғурталардир. Ҳатто айрим қўшиқчилар овозларини ҳам суғурталайдилар.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан пул тикилиб, ютуқ улардан баъзиларига насиб қиладиган ҳар қандай кўнгилочар ва спорт ўйинлари қиморга киради. Ҳозирда махсус қимор клублари ҳам пайдо бўлган. Уларда мана шу катта гуноҳга қўл уриш учун махсус «яшил столлар» ўрнатилган.

От чоптириш ва шунга ўхшаш мусобақалардаги гаров тикишлар ҳам қимор ҳисобланади.

ЎҒРИЛИК

Аллоҳ таоло айтади: **«Ўғрилиқ қилган эркак ва ўғрилиқ қилган аёлни қилмишларига яраша жазо сифатида ва Аллоҳдан азоб бўлсин учун ҳар иккисининг қўлини кесинглар. Аллоҳ тенгсиз куч-қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлган Зотдир»** (Моида, 38). Ўғрилиқнинг энг қабиҳи ҳаж ва умра зиёратчиларига нисбатан қилинган ўғрилиқ бўлиб, бундай жирканч ўғрилиқ қилувчилар курраи заминнинг энг мўътабар гўшаси Каъбатуллоҳ ва Ҳарами шарифни ҳам назарга илмаган, Аллоҳнинг чегараларини бузишда ҳадларидан ошган кимсалардир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундайлар ҳақида хабар бериб деганлар: *«Дўзах менинг олдимга келтирилди. Унинг оташи тегиб кетишидан қўрқиб ортга тисарилдим. Мен у ерда ичак-чавоқлари судралиб юрган, учи эгри таёқ кўтарган кишини кўрдим. У шу учи эгри таёғи билан ҳожиларнинг нарсаларини ўғирлар эди. Бунни сезиб қолишса, таёғимга илиниб қолибди, дер, сезишмаса, олиб кетар эди»*⁷⁶.

Ўғрилиқнинг яна бир қабиҳ тури умумхалқ мулкини ўғирлашдир. Баъзи кимсалар: «Бошқалар ўғирлаяпти-ку, биз ҳам олсак, олибмиз-да», дейдилар. Билмайдиларки,

⁷⁶ Муслим ривояти, 904.

бундай ўғирлик барча мусулмонларнинг молидан ўғирлаш ҳисобланади. Зеро, умумий мулк барчага тегишлидир. Аллоҳдан қўрқмайдиган кимсаларнинг ишлари уларга эргашиш учун баҳона бўлолмайди. Шунингдек, баъзилар ғайримусулмонлар мулкани «улар кофир-ку», деган далил билан ўғирлайдилар. Бу ҳам нотўғри. Чунки фақат мусулмонларга қарши урушаётган кофирларнинг мулкларини талон-тарож қилиш мумкин, кофирларнинг ҳаммасини ҳам эмас.

Яна ўғрилик кўринишларидан киссавурлик, меҳмонга борганда мезбоннинг ёки уйига келган меҳмоннинг нарсаларидан олиб қўйиш, дўконларга кириб, чўнтак ё қўйнига беркитиб чиқиш кабиларни санаш мумкин.

Баъзи одамлар озроқ ёки арзон нарсани ўғирласа бўлаверади, деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Тухум ўғирлаб, арқон ўғирлаб қўли кесилган ўғрига Аллоҳнинг лаънати бўлсин»*, деганлар⁷⁷.

Ўғрилик қилган киши, аввало, Аллоҳга тавба қилиши, сўнг олган нарсасини эгасига қайтариб бериши шарт. Ошкора қайтарадимми ёки билдирмасдан пинҳона бўлсин, фарқи йўқ, албатта молни эгасига қайтариши керак. Мабодо, молнинг эгасини ёки унинг меросхўрини астойдил ахтарса, лекин топа олмаса, унда савобини молнинг эгасига ният қилиб, уни садақа қилиб юборади.

⁷⁷ Бухорий ривояти, 6783.

ПОРА ОЛИШ ВА БЕРИШ

Ноҳақ бўлишига қарамасдан ишни ўз фойдасига ҳал қилиш мақсадида қози ё ҳокимга пора бериш оғир гуноҳдир. Чунки бу адолатсиз ҳукм чиқарилишига, зулмнинг қарор топишига ва фасоднинг тарқалишига олиб келади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда айтади: **«Бир-бирингизнинг молларингизни ботил йўллар билан еманглар. Хусуматлашиш орқали одамлардан бир тоифасининг молларини ноҳақ ейиш учун ҳукм чиқарувчи (қози) ларга — бундай қилиш ҳаром эканини билатуриб — ёлғон далил-ҳужжатлар тақдим қилманглар»** (Бақара, 188).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ҳукм чиқаришда пора берган ҳам, олган ҳам Аллоҳнинг лаънатига йўлиқади»*, деб огоҳлантирганлар⁷⁸.

Аммо ҳақиқатни юзага чиқариш ёки зулмни даф этиш учун порадан ўзга чора қолмаса, унда юқоридаги таҳдиддан мустаснодир.

Асримизга келиб, порахўрлик шунчалар кенг илдиз отиб кетдики, ҳатто баъзи мансабдорлар учун маошларидан ҳам катта даромад манбаи, баъзи ширкатлар дас-

⁷⁸ Аҳмад ривояти, 2/387. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5069.

турларининг эса кўринмас бандига айланиб қолди. Кўп ишлар, муомалалар порасиз бошланмайдиган ва усиз битмайдиган бўлиб қолди. Халқ бундан улкан зарар кўрмоқда. Пора кўп одамларни виждонидан айириб, муносабатлар бузилишига сабаб бўлмоқда.

Пора берганга тузукроқ, бермаган бечорага ёмондан-ёмон хизмат кўрсатилади, ё иши кечиктирилади ёки умуман ташлаб қўйилади. Навбати орқада бўлса ҳам пора берганлар илгарироқ ишларини битириб оладилар.

Пора сабаб иш эгасининг ҳаққи ишчилардан кўра кўпроқ иш бошқарувчиларнинг чўнтагига тушмоқда. Ушбу ва бошқа сабабларга кўра, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу гуноҳи кабирага қўл урганлар Аллоҳнинг раҳматидан қувғинга учрашларини тилаб, дуойи бад қилганларига ажабланмаса ҳам бўлади. Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Пора берганга ҳам, уни олганга ҳам Аллоҳнинг лаънати бўлсин»*⁷⁹.

⁷⁹ Ибн Можа ривояти, 2313. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5114.

БИРОВНИНГ ЕРИНИ ТОРТИБ ОЛИШ

Аллоҳдан қўрқмайдиган одамнинг кучи ва ақли ўзгалар мол-мулкига кўз олайтириш, уни эгаллаб олиш каби зулм ишларга сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Бировнинг ерини тортиб олиш ана шундай зулмлардан биридир. Бу жинойтнинг жазоси жуда оғир. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда бундай дейилган: *«Ердан озгинасини бўлса ҳам ноҳақ эгаллаб олган одамни қиёмат куни етти қават ер ютади»*⁸⁰.

Яъло ибн Мурра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Қайси бир киши бир қарич ерни бўлсин, ноҳақ олса, Аллоҳ унга ўша ернинг еттинчи қаватигача кавлаттириб (бир ривоятда: орқалаттириб келиб), сўнг халойиқ ўрта-сида ҳукм чиқаргунига қадар қиёмат куни бўйнига занжир қилиб осиб қўяди»*⁸¹.

Ернинг белги ва чегараларини ўзгартириш йўли билан қўшнисининг ҳисобидан ўз ерини кенгайтириб олиш ҳам ер тортиб олиш ҳукмига киради. Далили ушбу ҳадисдир: *«Ерда (ўрнатилган) белгиларни ўзгартирган кишига Аллоҳнинг лаънати бўлсин»*⁸².

⁸⁰ Бухорий ривояти, 2454.

⁸¹ Табароний. «Ал-кабир», 22/270. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 2719.

⁸² Муслим ривояти, 1978.

ЎРТАГА ТУШГАНИ УЧУН ҲАДЯ ОЛИШ

Шукри адо этилса, обрў ва мансаб ҳам Аллоҳ бандага берган неъматлардан саналади. Мусулмонлар манфаати йўлида ўз мансаби билан жонбозлик кўрсатиб хизмат қилиш ана шу неъматнинг шукронасидан бўлади. Умумий тарзда айтилган қуйидаги ҳадис мазкур амалга (ўртага тушиш) ҳам тааллуқлидир: *«Сизлардан ким ўз биродарига наф келтиришга қурби етса, (шу ишни) қилсин»*⁸³.

Ҳаром ишга қўл урмай ёки бошқа бировга зарар етказмай, чин дилдан, холис бўлган ҳолда, ўз мансаби ва обрўи билан мусулмон биродарини зулмдан ҳимоя қилган ёки унга бирон фойдаси теккан мусулмон киши Аллоҳ ҳузурида савоб олади. Бу ҳақда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Ўртага тушинглар, савоб оласизлар»*⁸⁴.

Аммо ўртага тушиш эвазига бирон нарса олиш жоиз эмас. Бунга саҳоба Абу Умома разияллоҳу анҳу ривоят қилган ушбу ҳадис далилдир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Ким ўртага тушгани учун берилган ҳадяни олса, судхўрликнинг энг катта туридан бирига қўл урибди»*⁸⁵.

⁸³ Муслим ривояти, 2199.

⁸⁴ Бухорий ривояти, 1432.

⁸⁵ Аҳмад ривояти, 5/261. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6292.

Бирор шахсни вазифага тайинлаш, бир соҳадан, ё бир тумандан бошқасига ўтказиш ёки касални даволатиб бериш ва бошқа шу каби ҳолатларда бирон маблағ эвазига ўртага тушишни таклиф қиладиган кишилар ҳам учрайди. Бу иш юқорида зикр этилган ҳадисга биноан ҳаромдир. Бундан ташқари, ҳадис зоҳиран олдиндан шартлашмай ҳақ олишга ҳам тегишлидир. Аслида, савоб иш қиладиган кишига қиёмат кунини Аллоҳ таоло берадиган ажр-мукофот етади.

Бир киши Ҳасан ибн Саҳлнинг ҳузурига келиб, бир ишнинг амалга ошишида ўртага тушишни сўради. Ҳасан ибн Саҳл унга ёрдам берди. Ҳалиги киши унга миннатдорлик билдирди. Шунда Ҳасан ибн Саҳл деди: «Бизга нимага раҳмат дейсан?! Биз молнинг закоти бўлгани каби мансабнинг ҳам закоти бор, деб биламиз»⁸⁶.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, бирон ишни амалга ошириш ва уни назорат қилиш учун хизматга ёлланиш ва эвазига маълум миқдорда иш ҳақи олиш билан мансабу мартабасини ишга солиб, ўртага тушиш ва эвазига иш ҳақи олиш ўртасида фарқ бор. Биринчиси шариатда жоиз бўлган ижара — хизматкор ёллаш қабилдан бўлса, иккинчиси шариатда ҳаром қилинган ишдир.

⁸⁶ Ибн Муфлиҳ, «Ал-одоб аш-шаръийя», 2/176.

ИШЧЕНИ ИШЛАТИБ, ҲАҚЕНИ БЕРМАСЛИК

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ишчининг ҳақини кечиктирмасдан дарҳол беришга даъват қилганлар: «*Мардикорнинг ҳақини унинг (пешона) тери қотмай туриб беринг*»,⁸⁷ деб айтганлар.

Одамлар орасида тарқалган зулм турларидан бири — ишчи-мардикорлар, ёлланма ишчи ва ходимларнинг ҳақларини бермаслик. Унинг бир неча кўриниши бор:

1. Хизмат ҳақини беришдан бутунлай бўйин товлаш. Кўпинча хизматчида бировнинг қўлида ишлаганини исботловчи ҳужжат бўлмайди. Аммо бечора заиф хизматчи бу дунёда ўз ҳақидан маҳрум этилган бўлса ҳам, қиёматда Аллоҳ ҳузурида унинг ҳақи сақланади. Ҳақини бермай еб кетган золим «Еб кетдим, бўлди», деб ўйла-масин. Қиёматда золимнинг яхшиликларидан мазлумга олиб берилади. Агар яхшиликлари бўлмаса ёки ҳақини адо қилмай тугаб қолса, у ҳолда мазлумнинг ёмонликлари золимга юкланади ва ўзи дўзахга улоқтирилади.

2. Ҳақи тўла берилмайди, қисман уриб қолинади. Аллоҳ таоло: «**Тарозидан** (биронинг ҳаққидан) **уриб қолувчиларга ҳалокат бўлғай**», деб огоҳлантирган (Мутаффифун, 1).

⁸⁷ Ибн Можа ривояти, 2/817. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 1493.

Баъзи иш берувчилар муайян ҳақ тўлашга келишиб, ишчиларни ўзга юрт-шаҳарлардан таклиф қиладилар. Улар келиб, ўрнашиб, ишни бошлаганда эса шартлашилган нархдан камроқ ҳақ тўлаш мақсадида битимни ўзгартирадилар. Албатта, ишчилар буни исбот қила олмай, чорасиз қоладилар. Мабодо, иш берувчи мусулмон, ишчи эса кофир бўлса, ҳақни тўла бермаслик кофир ишчининг Исломга киришига тўсиқ ҳам бўлади.

3. Ишчининг ҳақини бермай чўзиб юриб, охири кўп машаққат, оворагарчилик, шикоят ва судлашувлардан кейингина бериш.

4. Қўшимча ҳақ тўламасдан ишни кўпайтириб юбориш ёки иш вақтини узайтириш.

Баъзан иш берувчи ишчини зериктириб ҳақидан воз кечтириб юбориш ёки унинг пулини айлантириб фойдаланиб қолиш мақсадида ҳам шу каби ҳақсизликлар қиладди.

Бечора ишчи на кундалик емиш топа олади ва на муҳтожликда қолган оиласига бирон нарса юборади. Шунинг учун ҳам золимларга қиёматда Аллоҳнинг азоби муқаррардир.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Аллоҳ таоло айтади: «Мен қиёмат куни уч кишининг душманиман: Менинг номимни ўртага қўйиб (бирон нарса) олиб, сўнг хиёнат қилган кишининг; ҳур одамни сотиб, сўнгра пулини еган кишининг; мардикорни ишлатиб, ҳақини тўлиқ бермаган кишининг»»*⁸⁸.

⁸⁸ Бухорий ривояти, 2227.

ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДА АДОЛАТ ҚИЛМАСЛИК

Фарзандларининг баъзисига совға бериб, бошқаларига бермайдиган, уларни ажратадиган ота-оналар ҳам бор. Бундай қилиш, шубҳасиз ҳаромдир. Аммо фарзандларидан бирортаси муҳтож бўлса, масалан, касаллик, қарз, иш топа олмаслик, оиласининг катталиги ёки талабалиги туфайли эҳтиёжманд бўлса ёхуд унга бирор хайрли амали учун, дейлик, Қуръонни ёд олгани учун мукофот тарзида қўшимча нарса берса, бунинг зарари йўқ. Лекин бошқа фарзанди шундай ҳолатга тушгудай бўлса, унга ҳам берган бўлардим, деб ният қилиши лозим. Аллоҳ таоло Қуръони каримда айтади: **«Адолат қилинг. Шу тақвога яқинроқдир. Аллоҳдан қўрқинг»** (Моида, 8).

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадислари эса фарзандларга ҳадя улашишда адолатли бўлиш вожиблигини кўрсатувчи алоҳида далилдир. Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳумо айтади: «Отам мени Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб борди ва: «Мен шу ўғлимга бир қул ҳадя қилдим», деди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Барча фарзандларингга шундай ҳадя бердингми?»* деб сўрадилар. Отам: «Йўқ», деди. Шунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ҳадяни қайтариб ол!»* деб буюрдилар». (Бошқа бир ҳадисда: *«Аллоҳдан қўрқинг, фарзандларингиз ўр-*

*тасида адолат қилинг», деганлар.) Нўъмон ибн Башир ра-
зияллоҳу анҳумо айтади: «Шундан кейин отам ҳадясини
қайтариб олди»⁸⁹. Имом Муслимнинг ривоятида эса, Пай-
ғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ундай бўлса, бунга
мени гувоҳ қилма, чунки мен адолатсизликка гувоҳ бўлмай-
ман*», деганлар⁹⁰.*

Фарзандларга ҳадя улашишда адолат қилмаслик улар
ўртасида ғайирлик ва адоватни келтириб чиқаради. Шун-
дай оталар борки, амакиларига ўхшайдиган ўғлига ҳадя
бериб, тоғаларига ўхшайдиган ўғлига бермайди. Ёки бир
хотинидан бўлган болаларига бериб, бошқа хотинидан
бўлганларига бермайди. Биринчисининг болаларини
яхши мактабларда ўқитади, иккинчисиникини бундай
қилмайди. Келажакда бу иши ўзига қайтади, чунки яхши-
лик кўрмаган фарзанд кўпинча яхшилик ҳам қилмайди.
Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадя беришда
болаларини ажратган кишига: «*Фарзандларинг сенга ба-
робар яхшилик қилишларини (хизматингда бўлишларини)
хоҳламайсанми?*» деганлар⁹¹.

⁸⁹ Бухорий ривояти, 2587.

⁹⁰ Муслим ривояти, 1624.

⁹¹ Муслим (1623) ва Аҳмад (4/269) ривояти.

МУҲТОЖ БЎЛМАСА ҲАМ ТИЛАНЧИЛИК ҚИЛИШ

Саҳл ибн Ҳанзалийя разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ўзида етарли нарса бўлатуриб тиланчилик қилган киши аслида жаҳаннамдан чўғ тилаб олган бўлади»*, дедилар. Саҳобалар: «Тиланишдан тўсадиган етарли нарса қанчалик бўлади?» деб сўрашди. *«Эрталабки ва кечки овқатга етарли нарсаси бўлиши»*, деб жавоб бердилар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам»⁹².

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда эса Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Муҳтож бўлмаса ҳам тиланчилик қилган инсон қиёмат кунини юзи тимдаланган ёки шилинган ҳолда келади»*⁹³, деганлар.

Баъзилар ўзи муҳтож бўлмаса ҳам, у масжиддан бу масжидга бориб, бола-чақалари билан бирга тиланчилик қилиб юришади. Улар одамларни зикр ва ибодатдан чалғитиб, шикоятларини ва ёлғон қиссаларини айтадилар, касаллик тўғрисидаги сохта маълумотномаларни кўрсатадилар. Ундайлар ҳатто тиланчилик ортидан мол-дунё орттириб, вафотларидан кейин мерос ҳам қол-

⁹² Абу Довуд ривояти, 2/281. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6280.

⁹³ Аҳмад ривояти, 1/388. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6255.

дирадилар. Тиланчилик қилмаса-да, одамлардан сўрай-верадиганлар ҳам бу ҳадисларни яхшилаб ўқиб олсинлар! Садақа-эҳсон берувчилар ҳам хушёр, сезгир ва фаросатли бўлишлари лозим. Зеро, билмаганлар бой деб ҳисоблайдиган ҳақиқий муҳтожлар ҳаё қилиб тиланчилик қилмайдилар, муҳтожликларини билдирмай кун ўтказадилар. Ана шундайларни топиб беришга ҳаракат қилиш керак.



ҚАЙТАРМАСЛИК НИЯТИДА ҚАРЗ ОЛИШ

Аллоҳнинг наздида бандаларнинг ҳаққи катта эътиборга моликдир. Банда Аллоҳнинг ҳаққидан тавба билан қутулиши мумкин, лекин бандаларнинг ҳаққидан олтинкумуш билан эмас, балки фақат қилинган савоб ишлар ва гуноҳлар билан ҳисоб-китоб қилинади. Шундай экан, масалани қиёмат кунигача қолдирмай ҳал этишдан ўзга чора йўқ. Аллоҳ таоло айтган: **«Аллоҳ сизларга омонатларни ўз эгаларига қайтаришни буюрди»** (Нисо, 58).

Жамиятда кенг тарқалган иллатлардан бири қарздорлик масъулиятини ҳис этмасликдир. Баъзи одамлар тирикчилик заруратидан эмас, балки одамларга бой кўриниш ёки машина, мебел каби дунё матоларини янгилаш учун қарз сўрайдилар. Шубҳали ва ҳатто ҳаром бўлган кредит олишдан ҳам тап тортмайдилар. Кўпинча, мана шундай одамлар бири икки бўлмай, қарзга ботиб, танг ҳолатда юрадилар.

Қарзни енгил санаш ва масъулиятсизлик инсонни қарзини қайтармай чўзишга ёки ўзгалар мулкини талон-тарож қилишга олиб келади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ишнинг оқибати ёмонлигидан огоҳлантириб бундай деганлар: *«Ким одамлардан қайтариб бериш нияти билан қарз олса, Аллоҳ унга ёрдам беради.*

Аммо ким йўқ қилиш (еб кетиш) нияти билан олса, Аллоҳ унинг ўзини йўқ қилиб юборади»⁹⁴.

Қарз юки Аллоҳнинг наздида оғир юқдир. Ҳатто улугъ фазилатлар, улкан савоблар ва олий мартабаларга эга шаҳидлар ҳам қарзнинг савол-жавобидан озод этилмайдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: *«Субҳоналлоҳ! Аллоҳ таоло қарз ҳақида қандай оғир ҳукмлар нозил қилди-я?! Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар киши Аллоҳ йўлида қатл этилса, сўнг (қайта) тирилтирилса, сўнг яна қатл этилса (яъни Аллоҳ йўлида уч маротаба ўлиб-тирилса ҳам), устида қарзи бўлса, уни узмагунча жаннатга кирмайди»⁹⁵.*

Шояд шу ҳадисни ўқиган ёки эшитган қарзга масъулиятсиз, унга енгил қарайдиганлар бир оз бўлса-да ибрат олсалар!

⁹⁴ Бухорий ривояти, 2387.

⁹⁵ «Саҳиҳи Насоий», 4698.

ҲАРОМ ЕЙИШ

Аллоҳдан қўрқмаган одамга мол-дунёни қаердан топиб, қаерга сарфлашининг аҳамияти йўқ. Унинг ягона мақсади қай йўл билан бўлса ҳам, ўғрилиқ, порахўрлик ё тиланчилик қиладими, зўравонлик, хийла-найранг ёки алдов йўли билан тортиб оладими, судхўрлик каби ҳаром савдолар билан топадими, етимнинг молини ейдими ёки фолбинлик, фоҳишалиқ, отарчилик каби ҳаром касб-ҳунар қиладими, ё бўлмаса, муслмонларнинг байтуллоҳидан, умумхалқ мулкидан ўмарадими ва ҳоказо йўллар билан бўладими, унга фарқи йўқ, дунё тўпласа бўлди.

Кейин шу топганидан қорин тўйдиради, кийим кияди, машина минади, иморат солади, жиҳоз ва мебел олади, тўй қилади, хуллас, қорнига ҳаром киради, эгнига ҳаром илади, уйини ҳаром босади. Ҳолбуки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ҳаромдан битган эт дўзахга лойиқдир»*⁹⁶, деганлар.

Қиёмат куни келганида мол-дунёни қайдан топиб, қайга сарфлаганининг жавобини беради. Ана шунда ҳасрату надомат, пушаймону афсуслар чекади, аммо кеч бўлади. Шундай экан, кимда ҳаром мол-дунё бўлса, ундан тезроқ қутулсин!

⁹⁶ Табароний, «Ал-кабир», 19/136. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 4495.

Кимнинг бўйнида банданинг ҳаққи бўлса, олтину кумушлар билан эмас, савоб ва гуноҳлар билан ҳисоб-китоб қилинадиган кунга қолдирмай, эгасига қайтариш учун шошилсин!



IXLOS
Nashriyoti

МАСТ ҚИЛУВЧИ ИЧИМЛИКЛАР ИЧИШ

Аллоҳ таоло деди: **«Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичимлик ичиш), қимор (ўйнаш), бут-санамлар (яъни уларга сиғиниш) ва (улар ёрдамида фол очиладиган) чўплар шайтон амалидан бўлган ифлос (ва ҳаром) ишлардир. Шундай экан, улардан узоқ бўлинг, шояд шунда нажот топсангиз»** (Моида, 90). Оятда мазкур нарсалардан узоқ бўлишга, яқинига йўламасликка буюрилиши уларнинг ҳаромлигига яққол далилдир. Устига-устак, ароқ кофирларнинг илоҳлари ва бут-санамлари билан ёнма-ён зикр қилиниши «ароқ ҳаром эмас» дегувчиларга баҳона қолдирмайди. Қолаверса, саҳиҳ ҳадисларда ароқ ичадиган кимсаларга белгиланган алоҳида жазо ва таҳдидлар келган. Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир. Аллоҳ маст қилувчи ичимлик ичган кишига (қиёматда) «тийнатул хабо»дан ичиришни Ўзига вожиб қилди»,* дедилар. Саҳобалар: *«Ё Расулуллоҳ, «тийнатул хабо» нима?»* деб сўрашган эди, *«Дўзах аҳли баданидан чиққан тер ёки улар баданидан оққан суюқлик (қон ва йиринг)лар»* деб жавоб бердилар⁹⁷.

⁹⁷ Муслим ривояти, 2002.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Кимда-ким маст қилувчи ичимликка муккасидан кетган ҳолда Аллоҳга йўлиқса, у Зотга худди бутпараст сингари йўлиқибди»*⁹⁸. Яъни маст қилувчи ичимликни ҳалол деб билган кимса бутпараст билан баробардир.

Ҳозирги пайтга келиб маст қилувчи ичимликларнинг тури кўпайиб кетган. Унга хилма-хил номлар қўйиб олишган: коньяк, пиво, вино, ароқ, шампан ва ҳоказо.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Умматимдан бир тоифа ароқ ичадилар, лекин унинг номини ўзгартириб оладилар»*⁹⁹. Дарҳақиқат, бу тоифа умматда пайдо бўлди. Улар уни ароқ дейиш ўрнига «кайфиятни кўтарувчи ичимлик» деб атадилар. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳни ва мўминларни алдамоқчи бўладилар, ваҳоланки, фақат ўзларини алдаётганларини билмайдилар»** (Бақара, 9).

Шариат турли ҳийла-найранг ва ўйинларга йўл бермайдиган аниқ чегарани белгилаб қўйган. Ҳадиси шарифда: *«Ҳар бир маст қилувчи нарса хамр (ароқ)дир ва ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир»*, дейилган¹⁰⁰.

Демак, ақлни оздирувчи ва маст қилувчи ҳар қандай нарсанинг ози ҳам, кўпи ҳам ҳаром. Ҳарчанд унга бошқача ном қўйишмасин, унинг номи бир, ҳукми маълум.

«Маст бўлиш ёки кайф қилиш учун эмас, балки чанқоқ босиш учун озгина ичса бўлади», деб пиво ичувчилар мана бу ҳадисни яхшилаб ўқиб олсинлар: *«Кўпи маст қиладиган нарсанинг озгинаси ҳам ҳаром»*¹⁰¹.

⁹⁸ Табароний ривояти, 12/45. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6525.

⁹⁹ Аҳмад ривояти, 5/342. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5453.

¹⁰⁰ Муслим ривояти, 2003.

¹⁰¹ Абу Довуд ривояти, 3681. Қаранг: Албоний, «Саҳиҳи Абу Довуд», 3128.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам маст қилувчи нарсаларни, қуюқ ёки суюқ бўлсин, ҳаромлигида бир-биридан ажратмаганлар.

Маст қилувчи ичимлик билан даволаниш мумкин эмас. Сабаби, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ азза ва жалла ҳаром нарсани даво (шифо) қилмаган»¹⁰², «У даво эмас, дарддир»¹⁰³, деган сўзлари билан бу масалага узил-кесил нуқта қўйганлар.

Маст қилувчи ичимлик сабабли лаънатланган кимсалар хусусида ушбу ҳадис етарлидир: «Аллоҳ маст қилувчи ичимликни ҳам, уни ичувчини ҳам, қуювчини ҳам, сотиб олувчини ҳам, сотувчини ҳам, тайёрлатувчини ҳам, олиб келувчини ҳам, олиб келтирувчини ҳам лаънатлади»¹⁰⁴.

Ибн Можа ривоятида: «Пулини егувчини ҳам» деган қўшимча бор¹⁰⁵.

Сўзимиз охирида Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ароқхўрларга қарата айтган бир мавъизаларини келтирамиз: «Ким ароқ ичса ва маст бўлса, қирқ кун намози қабул бўлмайди, ўлиб қолса, дўзахга тушади, тавба қилса, тавбаси қабулдир. Яна ичса ва маст бўлса, қирқ кун намози қабул бўлмайди, ўлиб қолса, дўзахга тушади, тавба қилса, тавбаси қабулдир. Сўнг яна ичса ва маст бўлса, қирқ кун намози қабул бўлмайди, ўлиб қолса, дўзахга тушади, тавба қилса, тавбаси қабулдир. Шундан кейин яна ичса, қиёмат кун Аллоҳ унга «радғатул хабо» (ҳалокат балчиғи)дан ичиради». Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, «радғатул хабо» нима?» деб сўрашди. Пайғамбар сал-

¹⁰² Албоний, «Саҳиҳи Ибн Ҳиббон», 1391.

¹⁰³ Муслим ривояти, 1984.

¹⁰⁴ Абу Довуд ривояти, 3674. Албоний «Саҳиҳи Ибн Можа»да (2741) «саҳиҳ» деган.

¹⁰⁵ Ибн Можа ривояти, 3380.

лаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дўзах аҳлидан чиққан суюқлик (қон ва йиринг)лар», деб жавоб бердилар¹⁰⁶.

¹⁰⁶ Ибн Можа ривояти, 3377. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6313.

ТИЛЛА ВА КУМУШ ИДИШЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ҳозирда деярли барча «Уй-рўзғор буюмлари» дўконларида, уйларда ва меҳмонхоналарда тилла ё кумушдан ишланган ёки уларнинг суви юритилган идишлар учрайди. Ундан ташқари, ҳозирда одамлар бир-бирларига нафис тилла идиш-товоқларни совға қилишмоқда. Баъзилар бундай идишларни сотиб олмасалар-да, лекин уларни бировларнинг уйларига, тўйларига борганда ишлатадилар. Буларнинг бари ҳаром қилинган ишлардир. Зеро, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай идишларни ишлатувчиларга оғир таҳдидлар келган. Жумладан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Кумуш ёки олтин идишларда еб-ичган киши қорнига жаҳаннам отабини суқаетган бўлади»*, деганлар¹⁰⁷.

Бу ҳукм барча идиш-товоқларга, яъни ликопча, қошиқ, санчқи, пичоқ, патнис ва бошқа идишларнинг барига тааллуқлидир. Баъзилар: «Биз уларни ишлатмаймиз, фақат зийнат учун тоқчаларга териб қўямиз», дейишади. Аммо уларни ишлатиб қўйишнинг олдини олиш мақсадида бу иш ҳам жоиз эмас.

¹⁰⁷ Бухорий (5634) ва Муслим (2065) ривояти.

ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРИШ

Аллоҳ таоло деди: **«Бутлардан иборат нажосатдан, ёлғон гувоҳлик беришдан сақланинг. Аллоҳга холис ибодат қилинг, Унга ширк келтирманг»** (Ҳаж, 30-31).

Абдурахмон ибн Абу Бакра разияллоҳу анҳумо отасидан ривоят қилади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик. Шунда у зот: *«Гуноҳларнинг энг катталари ҳақида сизларга хабар берайми?»* деб уч бор айтдилар ва: *«Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш»*, дедилар. Ёнбошлаган ҳолда эдилар, ўтириб олдилар-да: *«Огоҳ бўлинглар, ёлғон гувоҳлик бериш ва ёлғон гапириш»*, деб такрорлайвердилар, такрорлайвердилар, ҳатто биз: *«Қанийди, тўхтасалар эди»*, деб қолдик»¹⁰⁸.

Одамларнинг ёлғон гувоҳлик беришга эътиборсизлиги, ҳасад ва адоват каби ёлғон гувоҳлик беришга ундовчи омиллар кўплиги боис Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қайта-қайта такрорладилар.

Ёлғон гувоҳлик оқибатида қанча-қанча ҳақлар поймол ва қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар зулмга гирифтор бўлади. Унинг оқибатида кимлардир бировларнинг мол-мулкига эга бўлишади, ҳатто баъзилар ёлғон гувоҳлик билан насабларини ҳам ўзгартириб олишади. Шун-

¹⁰⁸ Бухорий ривояти, 6273.

дай одамлар борки, судга мурожаат қилганларида ўша ерда эндигина кўрган одамларига қараб: «Сен менга гувоҳ бўл, мен сенга гувоҳ бўлай», деб, ишнинг ҳақиқатини суриштирмай, аниқламай, танимаган одамларга гувоҳликка ўтиб кетаверадилар. Бундай қилиш гувоҳлик масаласига беписандлик бўлади. Маҳкама эшигидан бошқа жойда учратмаган бир одам учун ер ёки уй-жойга эгалик хусусида гувоҳликка ўтиш ёки уни бирон жиноятдан оқлаб гувоҳликка ўтиш ёлғончилик ва муттаҳамликдан ўзга нарса эмас. Гувоҳликка ўтиш **«...биз фақат билган нарсамизга гувоҳлик бердик»** (Юсуф, 81) оятига мувофиқ бўлиши керак.

КУЙ ВА ҚЎШИҚ ЭШИТИШ

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтади: «Аллоҳга қасамки, **«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллоҳнинг йўлидан оздириш ва Унинг оятларини истехзо қилиш учун беҳуда сўзларни сотиб олишадди»** (Луқмон, 6), оятидаги “беҳуда сўзлар”дан мурод мусиқади¹⁰⁹.

Абу Омир ва Абу Молик Ашъарий разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Умматимдан зино, ипак, маст қилувчи ичимлик ва мусиқани ҳалол санайдиган инсонлар чиқади»*¹¹⁰.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда эса: *«Бу уммат ичида ер ютиш, (осмондан) тош ёғиш, (исёнкорларни) тўнғиз ва маймунларга айлантириш (ҳолатлари) содир бўлади. Бу эса улар маст қилувчи ичимликлар ичишган, қўшиқчиларни чақириб, куй-қўшиқ эшитишган ва мусиқа асбоблари чалишган пайтда бўлади»*¹¹¹.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ноғорадан қайтарганлар, найни эса аҳмоқ ва фожирнинг товуши,

¹⁰⁹ Ибн Касир, «Тафсир», 6/333. «Ас-силсила ас-саҳиҳа», 6/1017.

¹¹⁰ Бухорий ривояти, 5590.

¹¹¹ Термизий ривояти, 2212. «Ас-силсила ас-саҳиҳа», 2203. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 3665.

деб таъриф этганлар. Ўтган уламолар, хусусан, Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ уд¹¹², танбур, най, рубоб ва чанг каби мусиқа асбобларини ҳаром деганлар. Ҳадисда қайтарилган мусиқа асбоблари остига ғижжак, орган, пианино, гитара ва булардан бошқа замонавий мусиқа асбоблари ҳам киради. Чунки ҳозирги мусиқа асбоблари ҳадисларда ҳаромлиги айтилган қадимги мусиқа асбобларидан кўра инсонга кўпроқ салбий таъсир қилади. Мусиқа нашъаси, кайфи маст қилувчи ичимликлар нашъасидан кўра кучлироқдир. Мусиқага ашула жўр бўлса, хусусан, аёлларнинг овозлари қўшилса, ҳаромлиги янада ортади, гуноҳи тобора катталашади. Ашула ишқ, муҳаббат, севги ва аёл хусн-жамолининг васфи ҳақида бўлса, мусибат янада жиддийлашади. Шунинг учун ҳам уламолар: «Куй-қўшиқ зинонинг чопаридир. У қалбга нифоқ уруғини сепеди», деб огоҳлантиришган. Куй-қўшиқ, мусиқа асримиздаги энг катта фитналардан бирига айланиб бўлган. Ҳозирги кунда соатлар, қўнғироқлар, ўйинчоқлар, компьютер ва телефонларга мусиқанинг кириб кетиши бало устига бало бўлиб, бундан сақланиш ва узоқ бўлиш мусулмонлардан ўзгача қатъият талаб қилади. Аллоҳнинг ўзи ёрдам берсин.

¹¹² Уд — катта ноксимон косахонали, калта дастали, кўп торли, чертиб чалинадиган мусиқа асбоби (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 4-жилд, 263-бет. ЎМЭ нашриёти, 2008 йил).

ҒИЙБАТ

Мусулмонларни ғийбат қилиш ва уларнинг обрўларини тўкиш давраларнинг “ош-нон”ига айланиб қолди. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло буни ман қилган ва бандаларни бу ишдан нафратланишга даъват этган.

Аллоҳ таоло ғийбатни инсон кўнгли жирканадиган бир шаклда тасвирлаб, бундай деган: **«Бир-бирингизни ғийбат қилманглар! Сизлардан бирон киши ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадимиз?! Ана, ёмон кўрдингизми?!** (Шундай экан, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўринг!)» (Ҳужурот, 12).

Оят мазмунини Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу сўзларида баён қилиб берганлар: *«Ғийбат нима, биласизларми?»* Саҳобалар: *«Аллоҳ ва Расули энг яхши билувчидир»*, дедилар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Биродаринг ҳақида, у эшитса, ёмон кўрадиган сўзларни гапиришингдир»*. Сўралди: *«Мен айтган гап биродаримда бўлса-чи?»* Шунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Айтганларинг биродарингда бўлса, уни ғийбат қилган бўласан, агар бўлмаса, унга бўҳтон қилган бўласан»*, дедилар¹¹³.

¹¹³ Муслим ривояти, 2589.

Демак, ғийбат мусулмон киши ортидан у эшитса ранжийдиган гапларни гапиришдир. Бу гап унинг дини ҳақида бўладими, дунёси, ахлоқи, ё жисмоний тузилиши ҳақидами, барибир.

Ғийбатнинг қатор кўринишлари бор. Бировнинг айб-ларини ортидан гапириш ғийбат, уни масхара қилиш мақсадида бирор хатти-ҳаракатини тақлид қилиш ҳам ғийбат. Аллоҳ наздида ўта жирканч ва хунук жиноят бўлишига қарамай, кўп инсонлар ғийбатга бепарво бўладилар. Ҳолбуки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда ўта қаттиқ сўз айтганлар: *«Судхўрлик етмиш икки хил бўлиб, шунинг энг кичиги киши онаси билан зино қилганга тенгдир. Судхўрликнинг энг каттаси эса киши биродарининг обрўсини тўкишидир»*¹¹⁴.

Даврада ўтирган одам бошқаларни ғийбатдан қайтариши, ғийбат қилинаётган биродарини ҳимоя қилиши вожиб бўлади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ана шунга тарғиб қилганлар: *«Кимда-ким биродарининг шаънини ҳимоя қилган бўлса, қиёмат куни Аллоҳ унинг юзини (ўзини) дўзах ўтидан сақлайди»*¹¹⁵.

¹¹⁴ Ибн Можа ривояти, 2275. «Ас-силсила ас-саҳиҳа», 1871.

¹¹⁵ Аҳмад ривояти, 6/450. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6238.

ЧАҚИМЧИЛИК

Одамлар орасини бузиш мақсадида гап ташиш ўзаро алоқалар бузилишига ҳамда адоват ва хусумат гулханининг аланга олишига асосий сабаблардан бири бўлиб келмоқда.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундайларни қойиб шундай деди: «(Эй Муҳаммад), **сиз ҳар қандай пасткаш қасамхўрга, ғийбатчи ва гап ташувчига итоат этманг!**» (Қалам, 10-11).

Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «*Қаттот* (яширинча гап пойлаб, сўнг бошқаларга етказадиган кимса¹¹⁶) *жаннатга кирмайди*»¹¹⁷.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтади: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина боғларидан бирининг ёнидан ўтаётиб қабрда азобланаётган икки кишининг овозини эшитиб: «*Бу иккиси азобланыпти. Катта гуноҳ учун азобланмаяптилар*» дедилар. Сўнг: «*Ҳа, (бошқа бир ривоятда: «у катта гуноҳ экан»).* Улардан бири сийдикдан сақланмас, иккинчиси эса чақимчилик қилиб юрар эди», дедилар»¹¹⁸.

¹¹⁶ Ибн Асир, «Ан-ниҳоя», 4/11.

¹¹⁷ Бухорий ривояти, 6056.

¹¹⁸ Бухорий ривояти, 216.

Гап ташишнинг энг ёмон турларидан бири орага совуқлик тушириш учун эрни хотинга ёки хотинни эрга ёмонлаб гап ташишдир. Шунингдек, бирон ишхонада ўзаро ходимлар ўртасида раҳбар ёки масъул шахсларга гап ташиб, ҳамкасбига зарар етказишга уринадиганлар бўлади. Буларнинг бари ҳаром ишлардир.

БИРОВНИНГ УЙИГА БЕРУХСАТ МЎРАЛАШ

Аллоҳ таоло деди: **«Эй иймон келтирганлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирманг»** (Нур, 27).

Рухсат сўрашдан мақсад уй эгаларининг авратларига кўз тушиши олдини олиш эканини баён қилиб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *«Кўз (тушмаслиги) учун рухсат сўраш жорий қилинган»*¹¹⁹.

Ҳозирда биноларнинг бир-бирига яқинлиги, уйлар бир-бирига уланиб кетгани, дераза ва эшикларнинг қарама-қарши жойлашгани бировларнинг уйларига кўз тушиб қолиш эҳтимолини оширди. Кўпчилик бундай пайтларда кўзини олиб қочмайди. Баъзан тепа қаватдагилар дераза ва балконларидан пастдаги қўшниларининг уйларига қарашга ҳаракат қиладилар. Бу эса қўшничилик ҳаққига хиёнат ва унга беҳурматлик бўлиб, ҳаромга бошлайдиган бир восита ҳамдир. Шу каби ишлар кўп фитна ва нохуш ҳолатларга сабабчи бўлади. Бунинг оғир жиноят эканига шариатда бировнинг уйига ўғринча мўралаган кишининг кўзига шикаст етказилса жавобгарликка тортилмаслик етарли далил бўлади. Расулуллоҳ саллаллоҳу

¹¹⁹ Бухорий ривояти, 6901.

алайҳи ва саллам айтганлар: *«Ким бирор қавмнинг уйига рухсатсиз мўраласа, улар унинг кўзини ўйиб олишлари ҳалол бўлади»*¹²⁰.

Бошқа бир ривоятда: *«Унинг кўзини ўйиб олсалар, ҳеч қандай тўлов ҳам, қасос ҳам йўқ»*, дейилган¹²¹.

¹²⁰ Муслим ривояти, 2158.

¹²¹ Аҳмад ривояти, 2/385. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6022.

УЧ КИШИ БЎЛГАНДА БИРИ ҚОЛИБ, ИККИСИНИНГ ПИЧИРЛАШИШИ

Бу иллат давраларда учрайдиган иллатлардан бўлиб, мусулмонлар ўртасига тафриқа тушишига, бир-бирларига нисбатан қалбларида ёмон гумон ва адоват уйғонишига олиб боради. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бунинг ҳукми ва сабабини баён қилиб, бундай деганлар: *«Уч киши бўлсангиз, то одамларга қўшилмагунингизча бирингиз қолиб, иккитангиз ўзаро пичирлашмасин. Чунки бу уни (яъни учинчингизни) ранжитади»*¹²².

Бу ҳадис бир кишини ажратиб, қолганлари ўзаро пичирлашган тўрт кишига ҳам ёки ундан кўп сонли кишиларга ҳам тааллуқлидир. Шунингдек, икки кишининг бир-бири билан учинчилари тушунмайдиган тилда сўзлашиши ҳам пичирлашиш билан баробар.

Албатта, икки кишининг ўзаро пичирлашуви қайсидир маънода учинчиларига нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади ва айни дамда қалбида ҳамроҳлари ҳақида турли ёмон гумонлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

¹²² Бухорий ривояти, 6290.

КИЙИМНИ ТЎПИҚДАН ТУШИРИБ КИЙИШ

Айрим ишлар одамлар назарида арзимас ҳисобланса-да, Аллоҳнинг наздида оғир гуноҳ саналади. Шулардан бири кийимни тўпиқдан пастга тушириб кийишдир. Баъзилар кийимни ерга теккизиб юрсалар, айримлар ҳатто орқасида судраб юради.

Абу Зар разияллоху анҳу Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: *«Уч тоифа одамлар бор, Аллоҳ қиёмат кунда уларга гапирмайди, уларга қарамайди, уларни покламайди ва уларга аламли азоб бўлади. Улар кийимини узун қилиб ерга судраб юрувчи, миннатчи ва ёлғон қасам билан молини ўтказувчи кимсалар»*¹²³.

«Кийимимни узун кийишим сабаби кибр эмас», дегувчи одам ўзини ноўрин оқлаган бўлади. Чунки кибрни қасд қилиш-қилмасликдан қатъи назар, ҳадисдаги таҳдид умумийдир. Бунга ушбу ҳадис ҳам далолат қилади: *«Изор (ёхуд кўйлак, шим, тўн)нинг тўпиқдан пастга дўзахдадир»*¹²⁴.

Инсон кибрланиб кийимини тўпиғидан пастга тушириб кийса, у ҳолда азоби янада оғирроқ бўлади: *«Ким*

¹²³ Муслим ривояти, 106.

¹²⁴ Аҳмад ривояти, 6/254. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5571.

кибрланиб кийимини (узун кийганидан ерга) судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга қарамайди»¹²⁵.

Чунки у мазкур ҳолатда икки ҳаром ишни — кибрланиш ва кийимни тўпикдан паст кийиш ишини қилган бўлади. Ибн Умар разияллоҳу анҳумо Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган қуйидаги ҳадис ҳар қандай кийимни тўпикдан тушириб кийиш гуноҳ эканига далолат қилади: *«Исбол (яъни кийимни тўпикдан тушириб ёки уни ерга теккизиб кийиш) шим, кўйлак ва саллада бўлади. Ким шулардан бирини кибрланган ҳолда ерга теккизиб кийса, қиёмат куни Аллоҳ унга қарамайди»¹²⁶.*

Аёл кишига шамол ёки бошқа бирор сабаб бўлиб танасининг бирон жойи очилиб қолмаслиги учун эҳтиёт юзасидан кийимини бир ёки икки қарич ерга теккизиб юришига рухсат этилган. Албатта, аёллар бу борада ҳаддан ошмасликлари лозим. Шунга кўра, келинлар киядиган айрим кўйлақлардаги каби этаги бир ёки бир неча метр ерга судралиб юриши, ҳатто кимдир уни орқадан кўтариб юриш даражасига етиши, шубҳасиз, ҳаддан ошишдир.

¹²⁵ Бухорий ривояти, 3665.

¹²⁶ Абу Довуд ривояти, 4/353. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 2770.

ЭРКАКЛАРНИНГ ТИЛЛА ТАҚИШИ

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: *«Олтин ва ипак умматимнинг аёлларига ҳалол, эркакларига ҳаром қилинди»*¹²⁷.

Ҳозир бозорлар ва дўконларда эркаklar учун мўлжалланган турли пробалардаги хилма-хил тилла соат, кўзойнак, тугма, ручка, занжир ёки медаллар, шунингдек, тилла суви юритилган бошқа буюмлар учрайди. Баъзан мусобақа совриндорлари учун қўйилган мукофотлар ичида эркаklar учун мўлжалланган тилла соатлар ҳам учраб туради. Бундай тилла буюмларнинг ҳеч бири эркаklar учун жоиз эмас.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг қўлида тилла узукни кўрганларида уни ечиб олиб, отиб юбордилар ва: *«Инсон дўзахдан бир бўлак чўғни олиб, уни қўлига тақиб оладими?!»* дедилар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам кетганларидан кейин ҳалиги одамга: *«Узугингни ол, (уни сотиб пулидан) фойдалан»*, дейишди. *«Йўқ — деди у, — Аллоҳга қасам, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам отиб юборган нарсани асло олмайман»*¹²⁸.

¹²⁷ Аҳмад ривояти, 4/393. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 207.

¹²⁸ Муслим ривояти, 2090.

АЁЛЛАРНИНГ КАЛТА, ЮПҚА ВА ТОР КИЙИМ КИЙИШЛАРИ

Ҳозирда Ислом душманларининг мусулмонларни ишғол этишда қўллаётган қуролиридан бири шакл ва бичимлари хилма-хил бўлган, мусулмонлар орасида кенг тарқалган модалар ва кийим-кечаклар бўлиб қолди. Бундай кийимларнинг кўпи калта, шаффоф ва торлигидан ҳатто аёллар ва маҳрамлар олдида ҳам кийишга ярамайди.

Охирзамон хотинларининг эғнида ана шундай кийимларнинг пайдо бўлиши ҳақида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам башорат берганлар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда у зот бундай деганлар: *«Дўзах аҳлидан икки тури бор, мен ҳануз уларни кўрмадим. Бири ёнида сигир думига ўхшаш қамчилари бўлган, у билан одамларни урадиган инсонлар. Иккинчиси эркакларни ўзларига мойил қиладиган, ўзлари ҳам эркакларга мойил бўлган ярим-яланғоч аёллар. Уларнинг бошлари узун бўйинли туянинг эгилиб турган ўрқачига ўхшайди. Улар жаннатга кирмайдилар, унинг ҳидини ҳам ҳидламайдилар. Жаннатнинг ҳиди фалон-фалон масофадан келиб туради»*¹²⁹.

¹²⁹ Муслим ривояти, 2128

Баъзи кўйлақлар этагидан ёки икки ёнидан узун қилиб кесилган бўлади. Бундай кийимларни кийган муслима аёлларнинг авратлари кўриниб қолади. Қолаверса, уларни кийганлар ўзларини кофир аёлларга ўхшатган, уларнинг шариатга зид модаларига, шармандали кийим-кечакларига кўр-кўрона тақлид қилган бўладилар.

Баъзи кийимларга бемаъни ёзув ва суратлар: қўшиқчи ва хонандалар, ароқ идишлари, сигареталар, жонли нарсалар ва хочнинг сурати, бузуқлик ва фасод билан шуғулланувчи клуб ва жамиятларга оид рамзлар, ажнабий тиллардаги уятсиз иборалар туширилган бўлади. Буларнинг барчаси мусулмон кишининг, айниқса, муслима-маларнинг дини ва ахлоқига зид бўлгани учун сақланиш лозим бўлган ҳаром ишлардир.

Шуни унутмаслик керакки, муслима аёл ҳар хил очик-сочик кийимлар, шариатга зид мода либослари билан эмас, балки ўзининг ҳаёси, хулқи, одоби, моддий ва маънавий покизалиги ва шаръий ҳижоби билан гўзалдир!

СОЧ УЛАТИШ

Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳумо деди: «Бир аёл Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, қизим яқинда келин бўлган эди. Қизамиққа чалиниб, сочи тўкилиб кетди, унга соч улатсам бўладими?» деб сўради. Шунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ соч уловчини ҳам, улатувчини ҳам лаънатлади», дедилар»¹³⁰.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай деган: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёл киши сочи-га бирон нарса улашидан қайтарар эдилар»¹³¹.

Ҳозирда баъзи аёлларнинг парик кийиши, «Гўзаллик салонлари»да содир бўлаётган шариатга зид ишлар, шунингдек, актёр ва актрисаларнинг ясама соч кийиб сахнага чиқиши ҳадисда зикр қилинган соч улаш ва улатишга мисол бўлади.

¹³⁰ Бухорий (5941) ва Муслим (2123) ривояти.

¹³¹ Муслим ривояти, 2126.

АЁЛ ВА ЭРКАКЛАР КИЙИНИШ, ГАПИРИШ ВА ТАШҚИ КЎРИНИШДА БИР-БИРЛАРИГА ТАҚЛИД ҚИЛИШИ

Эркак эркаклигини, аёл аёллигини сақлаши Аллоҳ таоло инсониятга ато этган фитратга муносиб ишдир. Бусиз инсоният ҳаёти издан чиқади. Эркакларнинг аёлларга, аёлларнинг эркакларга ўхшашга интилиши фитратга — табиий хилқатга зиддир. Бу иш ҳар хил бузуқчилик, ахлоқсизлик ва тубанликларга йўл очади. Бинобарин, шариатда бундай ишнинг ҳукми ҳаромдир. Қуръон ва ҳадисда бирор амални қилган киши лаънатланган бўлса, бу ўша амалнинг ҳаромлиги ва гуноҳи кабиралардан эканини билдиради.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзини аёлларга ўхшатган эркакларни ва ўзини эркакларга ўхшатган аёлларни лаънатладилар»¹³².

Яна Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинчалиш эркак ва эркакшода аёлларни лаънатладилар»¹³³.

Ўзни бошқа жинсга ўхшатиш хатти-ҳаракат, юриш-туриш, ташқи қиёфа ва сўзлаш услубида бўлиши мумкин.

¹³² Бухорий ривояти, 5885.

¹³³ Бухорий ривояти, 5886.

Шунингдек, эркак ва аёлдан ҳар бири кийинишда ҳамда ҳар бир жинснинг ўзига хос жиҳатларда ўзини бошқасига ўхшатиши жоиз эмас. Шунга кўра, эркак киши занжир, билакузук ва зирак кабиларни тақиши мумкин эмас. Аёллар ҳам эркакларга хос бўлган кўйлак, костюм-шим ва ҳоказоларни кийиши мумкин эмас. Аёл ташқи кўриниш, кийимнинг бичими ва рангида эркаклардан ажралиб туриши лозим.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ушбу ҳадис ҳар икки жинс кийимда бир-бирларидан ажралиб туриши вожиб эканига далолат қилади: *Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ аёлча кийинган эркакни ва эркакча кийинган аёлни лаънатлади»*¹³⁴.

¹³⁴ Абу Довуд ривояти, 4/355. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5071.

СОЧНИ ҚОРАГА БЎЯШ

Тўғрироқ фикрга кўра, сочи қорага бўяш ҳаромдир. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадисларидаги таҳдид шуни кўрсатади: *«Охир замонда соч-соқолларини худди (аксар) каптарларнинг кўкраги каби қорага бўяб оладиган кишилар чиқади. Улар жаннатнинг бўйини ҳам ҳидламайдилар»*¹³⁵.

Бу сочига оқ тушганлар орасида кўп учрайдиган ҳолатдир. Бундайлар сочларини қорага бўяб, одамларни алдаш ва ҳақиқий ҳолатни беркитишга уринадилар. Бу иш ўша инсоннинг юриш-туришига ҳам таъсир этади, яъни унда қандайдир кибрни пайдо қилади.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам оқ сочи сариқ, қизил ёки жигарранг тусдаги хина ва шу каби нарсалар билан бўяганлари ҳақида саҳиҳ ривоятлар бор.

Макка фатҳи куни соч-соқоли қордек оқариб кетган (Абу Бакр Сиддиқнинг отаси) Абу Қўҳофа Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб келинганда: *«Бу соч-соқолнинг рангини ўзгартиринглар ва (лекин) қорадан четланинглар»*, деб айтганлар¹³⁶.

Сочи қорага бўяш ҳукмида эркагу аёл баробардир. Шунинг учун аёл киши ҳам сочини қорага бўяши мумкин эмас.

¹³⁵ Абу Довуд ривояти, 4/419. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 8153.

¹³⁶ Муслим ривояти, 2102.

КИЙИМ, ДЕВОР, ҚОҒОЗ ВА ШУ КАБИЛАРГА ЖОНЗОТЛАР РАСМИНИ ЧИЗИШ

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: *«Қиёмат кунини Аллоҳ ҳузурида одамларнинг энг қаттиқ азобланадиганлари мусаввирлардир»*¹³⁷.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Аллоҳ таоло деди: «Менинг яратишимдек яратишига уринган кишилардан ҳам золимроқ кимса борми?! Қани, бир дона донни ёки битта заррани яратсинлар-чи!»*»¹³⁸.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: *«Барча мусаввирлар дўзахдадир. Чизган ҳар бир сурати эвазига уларга биттадан (қўшимча) жон ато қилинади ва улар билан жаҳаннамда азобланади»*. Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо деди: *«Агар жуда чизгинг келса, дарахт ёки бирор жонсиз нарса расмини чиз»*¹³⁹.

Ушбу ҳадислар сурат сояли, соясиз, босма, чизма, ўйма, бўртма, қуйма ва бошқа кўринишларда бўлишидан қатъи назар, одамлар ва барча жонли ҳайвонлар су-

¹³⁷ Бухорий (5950) ва Муслим (2107) ривояти.

¹³⁸ Бухорий (5953) ва Муслим (2111) ривояти.

¹³⁹ Муслим ривояти, 2110.

ратини чизиш ҳаромлигига далолат қилади. Зеро, сурат чизиш ҳаромлиги ҳақидаги ҳадислар юқоридагиларнинг барчасини ўз ичига олади.

Мусулмон одам шариат кўрсатмаларига сўзсиз бўйсунади, «Мен уларга ибодат қилмайман-ку, сажда қилиб сиғинмайман-ку», деб қайсарлик қилмайди.

Асримизда рассомчиликнинг авж олиши оқибатида келиб чиқаётган иллатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси тўғрисида тафаккур қилган киши шариат уни ҳаром қилганидаги ҳикматни англай олади.

Кўп бузуқликлар, шаҳвоний хирсларнинг жунбишга келиши аксар ҳолатларда бир дона бузуқ суратга қараш сабабидан келиб чиқиши сир эмас.

Мусулмон киши фаришталарнинг киришига тўсиқ бўлувчи жонзотлар суратини уйда сақламаслиги керак. Чунки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ит ва суратлар бор уйга фаришта кирмайди»*, деганлар¹⁴⁰.

Баъзи хонадонларда ҳайкалчаларнинг, ҳатто кофирлар сиғинадиган маъбудалар тимсоли бўлган ҳайкалчаларнинг жавонларга, уйнинг турли бурчакларига зийнат ва эсдалик буюмлар сифатида қўйилганига гувоҳ бўламиз. Албатта, ҳайкалларни бу тартибда уйга қўйишнинг гуноҳи уларни шунчаки чизишдан кўра оғирроқ.

Шунингдек, суратларнинг деворга осилгани осилмаганидан ёмонроқ. Чунки бундай суратлар кўп ҳолларда сурати чизилган шахснинг ортиқча улуғланишига ёки ўтган ғам-қайғуларнинг янгиланишига, ўтган аجدодлар билан ноўрин фахрланишга сабабчи бўлади. Бу ишни эсдалик — хотира учун қилинган, деб оқлаб бўлмайди. Зеро, азиз ва яқин кишиларни чинакам хотирлаш қалбда,

¹⁴⁰ Бухорий (3227) ва Муслим (2106) ривояти.

уларнинг ҳаққига раҳмат ва мағфират тилаб дуо қилиш билан бўлади.

Шундай экан, уйдаги осилган ва осилмаган барча суратларни чиқариб ташлаш керак. Сақланиш қийин ёки имконсиз бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари қадоқланган турли идишлардаги суратлар, қомуслар, луғат китоблари, ўқув китоблари ва шу кабилардаги суратлар, шунингдек, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлардаги суратлар каби зарурий ҳолатлар бундан мустаснодир. Умуман олганда, имкон қадар бундай суратлардан четланишга, айниқса, улар ичидаги ахлоқсиз, уятли суратларни йўқ қилишга ҳарис бўлмоқ керак. Аллоҳ таоло дейди: **«Кучларингиз етганича Аллоҳдан тақво қилинг»** (Тағобун, 16).

ЁЛҒОНДАН ТУШ КЎРДИМ ДЕЙИШ

Баъзи одамлар сохта обрў орттириш, одамлардан олқиш олиш, бирон иқтисодий фойдани қўлга киритиш ёки бировларни қўрқитиш ва ҳоказо мақсадларда кўрмаган тушини кўрдим, деб ёлғон тўқишади. Омма орасида тушларга эътиқод қиладиганлар, уларга маҳкам ёпишиб оладиганлар бор. Шу сабабдан бундайлар кўпинча ёлғон тушларга алданиб юрадилар.

Кўрмаган тушини кўрдим деб алдайдиганлар тўғрисида қаттиқ таҳдид келган. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Ёлғоннинг энг ёмони киши ўз отасидан бошқани отам деб даъво қилиши, кўрмаган тушини кўрдим дейиши ёки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтмаган сўзни айтди, дейишидир»*¹⁴¹.

Яна Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким кўрмаган тушини кўрдим деса, (қиймат куни) икки дона арпани бир-бирига боғлашга буюрилади. Буни эса ҳеч қачон уддалай олмайди...»*¹⁴². Маълумки, икки дона арпани бир-бирига боғлаш имконсиз. Жазо қилмишга яраша бўлади.

¹⁴¹ Бухорий ривояти, 3509.

¹⁴² Бухорий ривояти, 7042.

ҚАБР УСТИГА ЎТИРИШ, УНИ ОЁҚ БИЛАН БОСИШ ВА ҚАБРИСТОНДА ҲОЖАТ ЧИҚАРИШ

Абу Хурайра разияллоху анхудан ривоят қилинади: «Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Инсон қабр устига ўтирганидан кўра чўғнинг устига ўтиргани, натижада кийимлари куйиб, ҳатто чўғ баданига етиб боргани яхшироқдир»»*¹⁴³.

Қабрни босишга келсак, баъзи кишилар яқинларини дафн этиш асносида бемалол қабрларни босиб ўтаверадилар, бошқа маййитларга ҳеч қандай эҳтиром кўрсатмайдилар. Бу ишнинг нақадар оғир экани ҳақида Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Мусулмоннинг қабри устида юрганимдан кўра чўғ ёки қилич тиғи устида юрганим ёки пойабзалимни оёғим билан тикканим суюклироқдир»*¹⁴⁴. Шундай экан, қабристон ерларини эгаллаб олган ва у ерга дўкон ёки уй-жой солганларнинг иши қандоқ бўлади?!

Қабристонга кириб ҳожат чиқаришга келсак, бу ишни диёнатдан, ахлоқдан ҳеч бир насибаси йўқ кимсалар қиладилар. Бундайлар ҳожати қистаса, қабристон панжарасидан ошиб ўтиб, нажосатлари билан маййитларга озор етказадилар. Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам

¹⁴³ Муслим ривояти, 971.

¹⁴⁴ Ибн Можа ривояти, 1/499. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5038.

айтганлар: «Қабрлар ўртасида ҳожат чиқариш билан бозор ўртасида ҳожат чиқаришнинг фарқи йўқ»¹⁴⁵.

Қабристонда ҳожат чиқариш бозорда, эл-юрт кўз ўнгида авратини очиб ҳожат чиқарган каби хунук ишдир. Қабристонга (айниқса, у ташландик, деворлари қулаган ҳолда бўлса) турли чиқиндиларни ташловчилар ҳам юқоридаги таҳдидлардан бенасиб қолмайдилар.

¹⁴⁵ Аввалги манба.

СИЙДИКДАН САҚЛАНМАСЛИК

Ислом шариатининг фазилатларидан бири у инсон ҳаётини ўнглайдиган, ислоҳ этадиган, унга фойда келтирадиган барча ишларга тарғиб қилади. Шундай ишлардан бири нажосатлардан сақланишдир. Шунинг учун шариятимиз ҳожатдан кейин истинжо қилиш (авратни кесак, қоғоз ёки сув билан тозалаш)га буюрди ҳамда уни қай тартибда қилиш лозимлигини ҳам баён этди.

Баъзи кишилар кийими ва баданини нажосатдан пок тутишга бепарво қарайдилар. Бу ўз навбатида намознинг дурустлигига путур етказди, ўлгандан кейин эса қабрда азобланишга сабаб бўлади.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтади: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина боғларининг биридан ўтаётиб қабрларида азобланаётган икки кишининг овозини эшитиб қолдилар ва: *«Бу иккиси азобланаяпти, катта нарса учун азобланаётганлари йўқ»*, дедилар. Сўнг ортидан айтдилар: *«Йўқ, бу катта (гуноҳ)дир. Улардан бири сийдикдан сақланмас, иккинчиси эса чақимчилик қилиб юрар эди»*»¹⁴⁶.

Яна бир ҳадисда: *«Қабр азобининг аксари сийдик туфайли бўлади»*, деганлар¹⁴⁷.

¹⁴⁶ Бухорий ривояти, 216.

¹⁴⁷ Аҳмад ривояти, 2/326. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 1213.

Сийдикдан сақланмаслик ҳожат асносида сийдиги тўла чиқмасидан бурун кийимини киядиган ёки бадани ва кийимига сийдик сачрайдиган жой ёки ҳолатда сиядиган, шунингдек, истинжо қилмайдиган ёки уни маромига етказиб бажармайдиган кишиларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси сийдикдан сақланмайдиганлар сафига киради.

Замонамизда кофирларга тақлид қилиш ҳатто ҳожатхоналаримизгача етиб борди. Аксар ҳожатхоналарда тик турган ҳолда ҳожат ушатиш учун деворларга махсус мосламалар ўрнатилган. Одамлар авратлари очиқ ҳолда ўтган-кетганнинг олдида уялмасдан ҳожат ушатадиган, сўнг авратини ювмасдан ёки артмасдан кийимларини кийиб кетаверадиган бўлдилар. Бу билан улар икки ҳаром ишни қиляптилар. Биринчидан, авратларини одамлар кўзидан сақламасалар, иккинчидан, сийдикдан сақланмайдилар, нажосатдан покланмайдилар.

ГАП ПОЙЛАШ

Аллоҳ таоло деди: **«Айғоқчилик қилманг»** (Хужурот, 11).

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилади: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Ким гаплари эшитилишини хоҳламаган қавмнинг гапини пойласа, эшитишга уринса, қиёмат кун қулоғига эритилган қўрғошин қуйилади»*»¹⁴⁸.

Инсон одамларга зарар етказиш мақсадида уларга билдирмай гапларини бошқаларга етказадиган бўлса, у ҳолда жосуслик гуноҳи устига яна бир гуноҳни орттирган бўлади. Бундай кимса Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисларида айтган кишилардан бўлиб қолади: *«Қаттот (пинҳона гап пойлаб, сўнг уни бошқаларга етказадиган одам) жаннатга кирмайди»*¹⁴⁹.

¹⁴⁸ Табароний, «Ал-кабир», 11/248-249. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6004.

¹⁴⁹ Бухорий ривояти, 6056.

ЁМОН ҚЎНИ-ҚЎШНИЧИЛИК

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қўшниларга яхшилик қилишга буюрган: **«Аллоҳга ибодат қилинг, Унга ҳеч нарсани шерик қилманг. Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги йўлдошингизга, йўловчи мусофирга ва қўл остингиздаги қулларингизга яхшилик қилинг. Албатта, Аллоҳ кибр қилувчи ва мақтанчоқ кимсаларни севмайди»** (Нисо, 36).

Қўшниларнинг ҳаққи жуда улуғ бўлганидан уларга озор етказиш гуноҳ саналади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Аллоҳга қасам, мўмин эмас! Аллоҳга қасам, мўмин эмас! Аллоҳга қасам, мўмин эмас!»*. Саҳобалар: «Ким, ё Расулulloҳ?» деб сўрашган эди, *«Қўшниси унинг ёмонлигидан омон бўлмаган кимса»*, деб жавоб қилдилар саллаллоҳу алайҳи ва саллам¹⁵⁰.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўшнининг қўшнисига берган баҳосини — уни мақташи ёки ёмонлашини кишининг яхши ёки ёмон эканига ўлчов қилиб белгилаганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу деди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир киши:

¹⁵⁰ Бухорий ривояти, 6016.

«Ё Расулуллоҳ, яхшилик ё ёмонлик қилганимни қандай билсам бўлади?» деб сўради. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қўшилариңг «Яхши қилибсан» деса, яхши иш қилган, «Ёмон қилибсан» деса, ёмон иш қилган бўласан»*¹⁵¹.

Қўшнига озор беришнинг ҳар хил кўринишлари бор. Масалан, ўртадаги муштарак деворга ёғоч қоқтирмаслик, баланд иморат солиб, қуёш ё ҳавони тўсиб қўйиш, қўшнисининг ҳовлисига қаратиб дераза очиб кузатиш, радио-телевизор ё магнитофон товушларини баланд қилиш, бемаҳалда келиб машина сигналини чалиш, болаларини уриб-сўкиш каби овозлар билан безовта қилиш, остонасига ахлат ташлаш... каби ишлар қўшнига озор саналади.

Содир этилган гуноҳ қўшнининг ҳаққига тажовуз бўлса, у яна ҳам оғирлашади, гуноҳи бир неча ҳисса ортади. Бу ҳақда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Кишининг ўнта аёл билан зино қилиши қўшнисининг хотини билан зино қилганидан енгилроқдир. Кишининг ўнта уйдан ўғрилиқ қилиши қўшнисининг уйдан ўғрилиқ қилишидан енгилроқдир»*¹⁵².

Қўшниси тунги навбатчиликка кетишини пойлаб туриб, унинг уйига бузуқ ниятда кирадиган хиёнаткор қўшниларга эса қиёмат кунининг аламли азоблари етади, ҳолларига вой бўлади.

¹⁵¹ Аҳмад ривояти, 1/402. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 623.

¹⁵² Бухорий. «Ал-адаб ал-муфрад», 103. «Ас-силсила ас-саҳиҳа», 65.

ВАСИЯТ ОРҚАЛИ ЗАРАР ЕТКАЗИШ

Шариатда умумий бир қоида бор: «Бировга зарар бериш ҳам, зарар кўриш ҳам йўқ».

Бунга васият орқали меросхўрлардан бирортасига зарар етказиш ҳам мисол бўлади. Бунинг оқибати ҳақида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким бировга зарар етказса, Аллоҳ ҳам унга зарар етказади. Ким бировга қийин қилса, Аллоҳ ҳам унга қийин қилиб қўяди»*, деганлар¹⁵³.

Меросхўрлардан бирини меросдаги шаръий улушидан маҳрум этиш, унга шариатда кўрсатилган улушдан бошқача улуш васият қилиш, мероснинг учдан бир қисмидан кўпроғини васият қилиш кабилар васият билан зарар етказишнинг кўринишларидандир.

Шариат билан ҳукм қилинмайдиган жойларда меросхўрлар маҳкамаларда шариатга хилоф равишда чиқариладиган ҳукмлар туфайли Аллоҳ белгилаган улушларини ололмайдилар. **«...Шундай экан, қўллари ёзган нарсалари уларга ҳалокат бўлмай, топган фойдалари уларга ҳалокат бўлмай»** (Бақара, 79).

¹⁵³ Аҳмад ривояти, 3/453. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6348.

НАРДА ҶЙНАШ

Одамлар орасида тарқалган кўп Ҷйинлар ҳаром саналади. Нарда шундай Ҷйинлардан биридир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам қиморга йўл очувчи бу Ҷйиндан қаттиқ қайтарганлар:

*«Ким нарда Ҷйнаса, қўлини тўнғизнинг гўшти ва қонига белагандек бўлибди»*¹⁵⁴.

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда эса: *«Ким нарда Ҷйнаса, Аллоҳ ва Расулига осий бўлибди»*, дейилган¹⁵⁵.

¹⁵⁴ Муслим ривояти, 2260.

¹⁵⁵ Аҳмад ривояти, 3/394. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6505.

НОҲАҚ ҚАРҒАШ

Кўп одамлар аччиқлансалар, тилларига эрк бериб юборадилар ва қарғашга тушадилар. Қарғаганда ҳам кетма-кет, ким ё нималигига қарамай, одамми, ҳайвонми, жонсиз нарсами, кунми, замонми, фарқсиз, ҳатто ўзларини ҳам, фарзандларини ҳам қарғайверадилар. Булар ичида энг кўп учрайдигани эр-хотин бир-бирини қарғашидир. Буларнинг бари хатарли ва ножўя ишдир. Бу ҳақда Абу Зайд Собит ибн Заҳҳок Ансорий разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Мўминни қарғаган уни ўлдирган билан баробар»*¹⁵⁶.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларнинг дўзахга киришларига уларнинг кўп қарғашлари сабаб бўлишини айтганлар. Шунингдек, кўп қарғайдиганлар қиёмат куни шафоатчи бўлолмайдилар. Яна ҳам хатарлиси, қарғовчи ноҳақ қарғаган бўлса, қарғиши ўзига уради ва ўзини-ўзи қарғаган, Аллоҳнинг раҳматидан ўзини маҳрум этган бўлади.

¹⁵⁶ Бухорий (6047) ва Муслим (110) ривояти.

МУСИБАТ ЕТГАНДА ОВОЗ ЧИҚАРИБ ЙИҒЛАШ

Баъзи аёлларнинг азада уввос солиб йиғлашлари, май-йитни ортиқча мадҳ этишлари, юзларига уриб, ёқаларини йиртиб, сочларини юлишлари — буларнинг бари энг мункар ишлардан саналади ҳамда қазо-қадарга норозилик ва мусибатга сабрсизликдан далолат беради. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилувчиларни лаънатлаганлар. Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам юзини юладиган, ёқасини йиртадиган, ҳалокат ва ўлим билан дуойи бад қиладиган аёлни лаънатладилар»¹⁵⁷.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Юзларига урадиган, ёқаларини йиртадиган ва жоҳилият замонидаги дуоларни қиладиган кимса биздан эмас»¹⁵⁸.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Гўянда аёл ўлимигача тавба қилиб қолмаса, қиёмат куни эритилган қўрғошиндан иштон ва қўтирдан кўйлак кийган ҳолда турғизилади»¹⁵⁹.

¹⁵⁷ Ибн Можа ривояти, 1/505. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 5068.

¹⁵⁸ Бухорий (1294) ва Муслим (103) ривояти.

¹⁵⁹ Муслим ривояти, 934.

ЮЗГА УРИШ ВА ТАМҒА БОСИШ

Жобир разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам юзга уришдан ва унга тамға босишдан қайтарганлар»¹⁶⁰.

Юзга уриш ҳақида гапирганда баъзи ота-оналар ва ўқитувчилар болаларни юзларига уриб жазолашларини айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, айрим кишилар хотинларини, баъзилар ходимларини шундай уришади. Бу иш Аллоҳ таоло инсонни у туфайли азиз этган юзни беҳурмат қилиш билан бирга, гоҳида бундан юздаги аъзоларга шикаст етиб, кейин пушаймон қилишга ва гоҳо қасос талаб этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳайвонларнинг юзларига тамға босишга келсак, одатда, буни мол эгаси ўз молини ажратиш ва йўқолиб қолгудай бўлса, шу белги билан топиб олиш учун қилади. Бу ҳам ҳаром иш бўлиб, бунда хилқатни бузиш ва азоб бериш мужассамдир. Агар баъзилар бу биздаги урф-одат ва ажратиб олиш белгиси, дейдиган бўлса, уни юздан бошқа жойига босиш мумкин.

¹⁶⁰ Муслим ривояти, 2116.

БИРОР ШАРЪИЙ САБАБСИЗ МУСУЛМОН БИЛАН УЧ КУНДАН ОРТИҚ АРАЗЛАШИШ

Шайтон мусулмонларнинг ўртасини бузишга ҳаракат қилади. Шаръий сабабларсиз мусулмон биродари билан уч кундан ортиқ аразлашиб юрадиганларнинг аксари шайтонга эргашган бўлиб, бунга кўпинча бирор моддий келишмовчилик ёки ёмон хулқ-атвор сабаб бўлади ва аразлаш узоқ вақт давом этади. Гоҳида гаплашмасликка, ё уйига қадам босмасликка қасам ичади. Йўлда рўпара келиб қолса, юзини тескари буради, йиғинларда ёнидагилар билан кўришиб, у билан кўришмай ўтиб кетади.

Аразлашиш мусулмон халқларнинг кучсизланишлари сабабларидан биридир. Шунинг учун ҳам аразлашишнинг шариатдаги ҳукми жуда оғирдир. Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Мусулмон ўз биродари билан уч кундан ортиқ аразлашиб юриши ҳаромдир. Шу (аразлашган) ҳолида ўлиб кетса, дўзахга киради»*¹⁶¹.

Бошқа бир ҳадисда айтилади: *«Биродаридан бир йил аразлаб юрган одам унинг қонини тўккан билан баробар бўлади»*¹⁶².

¹⁶¹ Абу Довуд ривояти, 5/215. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 7635.

¹⁶² Бухорий, «Ал-адаб ал-муфрад», 406. «Саҳиҳ ал-жомеъ», 6557.

Аразлашиш оқибатида Аллоҳнинг мағфиратидан маҳрум бўлиш хатарининг ўзи ҳам етарли бўлса керак. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *«Одамларнинг амаллари ҳар ҳафтада икки марта — душанба ва пайшанба кунлари кўрсатилади. Шунда ҳар бир мўмин банда мағфират қилинади, фақат аразлашган бандалар бундан мустасно бўлиб: «Бу иккаласини то ярашиб олгунларича қолдириб (ёки кечиктириб) туринглар», дейилади»*¹⁶³.

Жанжаллашган томонларнинг қай бири Аллоҳга тавба қилса, биродари ҳузурига бориб, унга салом бериши керак. Биродари шунда ҳам юз ўгирса, у ҳолда унинг бўйнидан гуноҳ соқит бўлиб, бутун масъулият юз ўгирганининг зиммасига тушади.

Абу Айюб Ансорий разияллоҳу анҳу Набий алайҳиссаломдан ривоят қилиб айтади: *«Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мусулмон киши ўз биродари билан уч кечадан ортиқ гаплашмай қўйиши, учрашсалар униси у ёққа, буниси бу ёққа юз ўгириши ҳалол бўлмайди. Уларнинг энг яхшиси саломни аввал берганидир»*¹⁶⁴.

Аммо аразлаб, алоқани узишга намоз ўқимаслик ёки фаҳш ишлардан тийилмаслик каби шаръий сабаблар мавжуд бўлса ва алоқани узишнинг гуноҳ қилувчига фойдаси тегса, кор қилса, яъни ўзини тузатиши ё хатосини англашига сабаб бўлса, у ҳолда араз қилиш вожиб бўлади. Лекин араз гуноҳ қилувчининг арази ва гуноҳи ортишига олиб борса, унда араз ноўрин бўлади. Чунки у шаръий мақсадга зид бўлиб, аксинча, зарарни ва фасодни зиёда

¹⁶³ Муслим ривояти, 2565.

¹⁶⁴ Бухорий (6237) ва Муслим (2560) ривояти.

қилади. Шунинг учун яхшилик қилиш, насиҳатга ўтиш ва эслатиб туришни давом эттириш тўғри бўлади.

Аллоҳ таоло ўрталаримизни ислоҳ ва қалбларимизни улфат қилсин. Ўртамиздаги гина-кудуратларни кўтариб, меҳр-муҳаббатни зиёда айласин.



ХОТИМА

Жамиятимизда тарқалган ҳаром амаллар ҳақида жамлаганларимиз шулар бўлди. Аслида, бу узун мавзу бўлиб, биз манфаат ҳосил бўлишини умид қилиб шу ерда тамомладик. Қуръон ва суннатда келган тақиқланган амаллар ҳақида Аллоҳ хоҳласа яна алоҳида ёзамиз.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан гўзал исмларини ўртага қўйиб сўраймиз, бизларга гуноҳлардан тўсувчи тақво, жаннатга етказувчи солиҳ амал ато этсин, гуноҳларимиз ва ишларимиздаги хатоларимизни мағфират қилсин, ҳалол ризқ инъом этсин, тавбаларимизни қабул этсин, гуноҳларимиздан покланишни насиб этсин, Ўзидан ўзгага муҳтож қилмасин. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло эшитувчи ва дуоларни ижобат қилувчи Зотдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга, аҳли байтларига, асҳоби киромларига ва қиёматга қадар уларга чиройли амаллар билан эргашган барча-барчага салавот ва саломлар бўлсин!

МУНДАРИЖА

Таржимондан	3
Муқаддима.....	5
Аллоҳга ширк келтириш	13
Қабрларга сиғиниш	14
Аллоҳдан бошқага атаб қурбонлик қилиш.....	17
Ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаром қилиш.....	18
Сеҳргарлик, коҳинлик ва фолбинлик.....	20
Бурж ва юлдузларнинг ҳодисалар ва инсонлар ҳаётига таъсири бор деб эътиқод қилиш	23
Аллоҳдан бошқа нарсалар фойда ёки зиён келтиради, деб эътиқод қилиш	25
Ибодатлардаги риёкорлик.....	27
Шумланиш ёхуд ирим қилиш.....	29
Аллоҳдан бошқа билан қасам ичиш	31

Мунофиқ ва фосиқ кишилар билан улфат бўлиш.....	35
Намозда хотиржам турмаслик	37
Намозда беҳуда ва ошиқча ҳаракат қилиш	39
Муқтадийнинг имомдан ўзиб кетиши	41
Саримсоқ, пиёз каби бадбўй нарсаларни истеъмол қилиб масжидга келиш	44
Зино	46
Баччабозлик	49
Аёл киши шаръий узрсиз эрининг тўшагидан бош тортиши.....	51
Аёл киши шаръий сабабсиз эридан талоқ сўраши.....	52
Зиҳор.....	54
Ҳайз пайтида аёлига қўшилиш	56
Аёлининг орқа авратига яқинлик қилиш.....	58
Хотинлар ўртасида адолат қилмаслик.....	60
Номахрам аёл билан хилватда қолиш.....	62
Номахрам аёллар билан қўл бериб кўришиш	64
Аёллар атир-упа сепиб кўчага чиқишлари.....	66

Аёлларнинг маҳрамсиз сафар қилишлари.....	68
Бегона аёлларга қараш	70
Даюслик	72
Ёлғондан болани ўз отасидан бошқага нисбат бериш ва кишининг ўз фарзандидан тониши	73
Судхўрлик	75
Молнинг айбини яшириб сотиш	78
Ёлғон харидорлик	80
Жума намозининг иккинчи азонидан кейин савдо қилиш	81
Қимор ўйнаш	82
Ўғрилиқ	84
Пора олиш ва бериш	86
Бировнинг ерини тортиб олиш	88
Ўртага тушгани учун ҳадя олиш	89
Ишчини ишлатиб, ҳақини бермаслик	91
Фарзандлар ўртасида адолат қилмаслик	93
Муҳтож бўлмаса ҳам тиланчилик қилиш	95

Қайтармаслик ниятида қарз олиш.....	97
Ҳаром ейиш	99
Маст қилувчи ичимликлар ичиш.....	101
Тилла ва кумуш идишлардан фойдаланиш.....	105
Ёлғон гувоҳлик бериш.....	106
Куй ва қўшиқ эшитиш	108
Ғийбат.....	110
Чақимчилик.....	112
Бировнинг уйига берухсат мўралаш	114
Уч киши бўлганда бири қолиб, иккисининг пичирлашиши.....	116
Кийимни тўпиқдан тушириб кийиш	117
Эркакларнинг тилла тақиши.....	119
Аёлларнинг калта, юпқа ва тор кийим кийишлари.....	120
Соч улатиш	122
Аёл ва эркаклар кийиниш, гапириш ва ташқи кўринишда бир-бирларига тақлид қилиши.....	123
Сочни қорага бўйаш	125

Кийим, девор, қоғоз ва шу кабиларга жонзотлар расмини чизиш	126
Ёлғондан туш кўрдим дейиш	129
Қабр устига ўтириш, уни оёқ билан босиш ва қабристонда ҳожат чиқариш	130
Сийдикдан сақланмаслик	132
Гап пойлаш	134
Ёмон қўни-қўшничилик	135
Васият орқали зарар етказиш	137
Нарда ўйнаш	138
Ноҳақ қарғаш	139
Мушибат етганда овоз чиқариб йиғлаш	140
Юзга уриш ва тамға босиш	141
Бирор шаръий сабабсиз мусулмон билан уч кундан ортиқ аразлашиш	142
Хотима	145

ISBN 978-605-74869-8-1



Шайх Муҳаммад Солиҳ Мунажжид

Одамлар енгил санайдиган ҳаром амаллар

1443 ҳ. – 2022 м.



 /IxlosOrg  /IxlosTV  /Ixlos_Org